



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 30 июнь, № 136-137 (8198-8199)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН МИЛЛИЙ КЕНГАШИ ХАЛҚ МАСЛАҲАТИ РАИСИНИ ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июнь куни Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Гурбангули Бердимухамедовни 65 йиллик юбилейи билан самимий қутлаб, унга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, биродар Туркменистон халқига тинчлик-осойишталик ва раванқ тилади. Гурбангули Бердимухамедовнинг замонавий Туркменистонни барпо этиш ва мамлакатнинг халқро майдондаги нуфузини ошириш, Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустақамлашга қўшган катта ҳиссаси алоҳида қайд этилди. Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга бўлажак ташрифига тайёргарлик доирасида икки мамлакатнинг кўп қиррали ҳамкорлигини янада кен-

гайтириш масалалари муҳокама қилинди. Савдо ва саноат, транспорт ва логистика, энергетика, қишлоқ хўжалиги соҳаларида қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш ҳамда худудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашувни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари, шу жумладан, Афғонистонда мустақам тинчликни таъминлашга ва ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклашга қўмаклашиш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон етакчиси шу кунларда Туркменистон пойтахтида ўтказилаётган олтинчи Каспий саммити муваффақиятли ўтишини тилади.

Ў.А.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида ўзининг юксак азму шижоати, билим ва салоҳияти, истеъдод ва қобилиятини намойён этиб, турли соҳаларда эришган ютуқлари билан Янги Ўзбекистон тараққиётига, унинг шон-шухратини жаҳон миқёсида янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, эл-юртимизга меҳри ва садоқати, намунали хулқи ва одоби ҳамда ватанпарварлик фазилатлари билан тенгдошларига ҳар томонлама ўрнак бўлиб келаётган қуйидаги ташаббускор ва етакчи ёшларимиз «Келажақ бунёдкори» медали билан мукофотлансин:

- Матмуратов Гуломжон Гафурович** — Хўжайли туманидаги «Гафур-Гулом чорва» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси
- Отешова Гулайим Бегим кизи** — Қорақалпоқ давлат университетининг 2-босқич талабаси, Қорақалпоғистон Республикаси
- Одильжонова Сарвиноз Азизбек кизи** — Андижон давлат университетининг 2-босқич талабаси, Андижон вилояти
- Ортиқхожиев Оматиллохон Хусниддин ўғли** — Асака туманидаги «Замон миришқорлари» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти
- Атоева Вазирбону Алишеровна** — «Хунарманд» уюшмасининг Бухоро вилояти бўлими аъзоси, қаштадўз
- Ҳамдамова Шамшоа Саидхат кизи** — Бухоро шаҳридаги 24-қўриш бўйича имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси тарғиботчиси, Бухоро вилояти

(Давоми 6-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### «МАРД ЁҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, интилувчанлиги ва ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва унинг халқро нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболни ўзининг билими ва иқтидори билан Ватанимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси алоҳида қайд этилди.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йигитларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун «Мард ёғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.
- «Мард ёғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганларга совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилсин.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Мард ёғлон» давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига «Мард ёғлон» давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.
- Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент шаҳри,  
2022 йил 28 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июндаги ПҚ-297-сон қарорига илова

### «Мард ёғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

- Калбаев Арисланбек Базарбаевич** — Нукус шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси (Қорақалпоғистон Республикаси)
- Мамутов Шерзод Азаматович** — Қорақалпоқ давлат университетининг 2-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)
- Абдурахмонов Акмалжон Юнусбек ўғли** — Андижон шаҳридаги Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабининг 10-синф ўқувчиси (Андижон вилояти)

(Давоми 6-бетда).

## 30 июнь — Ёшлар куни

### ЯНГИ ТИЗИМ НАВҚИРОН АВЛОДГА ЭЛ-ЮРТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ВА КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БАХШ ЭТМОҚДА

Ёшларнинг билим даражаси, дунёқарashi, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб ўша жамиятнинг эртанги кунини аниқ тасаввур қилиш мумкин. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунини, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги оро-ўзтибори, авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиби, улгайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир». Ана шундай эзгу мақсадларни амалга ошириш мамлакатимиз тараққиёти йўлида энг устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган.



Назаримда, «Янги Ўзбекистон» госянини моҳияти ҳам ёшлар билан ишлаш борасида яратилган янги тизимда ёрқин намойён бўлади. Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги ўзгаришлар, жамиятда эсаётган янги насилилар унинг асосий қисми ҳисобланган навқирон авлоднинг онгу дунёқарashi, тафаккури, ҳаёт тарзи, мақсад ва интилишлари янгиланишини тақозо этарди.

Шу боис давлатимиз раҳбари ёшлар билан ишлаш вазири ҳоқимидан тортиб маҳалла раисигача — барча бўғиндаги раҳбарларнинг энг асосий вазифаси экани алоҳида таъкидлади.

Яратилган янги тизим навқирон авлодга эл-юрт тақдирига дахлдорлик ва келажаққа ишонч бахш этмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 19 январда имзолаган «Маҳалларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомил-

6

лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ёшлар сиёсатида бурилиш ясаб, ягона вертикал тизимни яратишда мустақам асос бўлди.

Бугун ҳар бир мутасадди раҳбар «Ёшлар учун нима иш қилдим? Яна нима қила оламан?» деган саволларни олдиға қўйиб яшамоқда, ишламоқда, десак, му-болага эмас.

## Учрашув

### КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МАЗМУН-МОҲИАТИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИККА ЕТКАЗИЛМОҚДА

Жорий йилнинг 28-29 июнь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Н. Исмоилов «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасини ташкил этиш доирасида лойиҳада кўзда тутилган янги нормалар мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш ва аҳолида ислохотларга дахлдорлик ҳиссини янада ошириш мақсадида Бухоро ва Навоий вилоятларида бўлди.

Бош қомусимизга киритилаётган янгилликлар, Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича ўтказилаётган умумхалқ муҳокамалари моҳиятига бағишланган учрашув дастлаб Бухоро давлат университетиде ташкил этилди. Унда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатла-

ри, сиёсий партияларнинг вилоятдаги етакчилари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, вилоят олий таълим муассасаларининг ректорлари, профессор-ўқитувчилар ва ёшлари иштирок этди. Таъкидланганидек, Конституциявий қонун лойиҳаси Бош қомусимизнинг 64 та

7

## Муносабат

### Хориждаги ватандошлар: ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР ЗАМИРИДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ КАБИ ЭЗГУ НИЯТЛАР МУЖАССАМ

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси хорижий давлатларда яшаётган ватандошларимиз томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Улар қонун лойиҳаси муҳокамасида ҳар бир ватандош фаол иштирок этиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб, кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳада юз бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр билдирмоқда.

8

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 1 февралда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 28 майда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади жисмоний ва юридик шахсларга мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини ёки уларнинг қисмларини (бундан буён матнда ер участкаси деб юритилади) компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомилларини белгилашдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, шунингдек давлат органлари ва муассасаларининг, корхоналарининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг доимий фойдаланишида бўлган ер участкаларига нисбатан таъбиқ этилмайд.

2-модда. Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчилик

Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномасида ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқро шартнома қоидалари қўлланилади.

(Давоми 2, 3, 4-бетларда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 24 майда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 28 майда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги 846-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 230-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонға илова) 7-моддасининг матнидаги «давлат ва жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар «жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

(Давоми 4, 5-бетларда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида

⟨(Давоми. Бошланиши 1-бетда).⟩

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
**асослантирувчи материаллар** – компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши режалаштирилган ер участкаси, унда жойлашган кўчмас мулк объектлари (шу жумладан турар жойларнинг ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ҳолати, уларнинг жорий белгиланган мақсади) тўғрисидаги, ер участкасини олиб қўйиш мақсадлари жамоат эҳтиёжлари деб эътироф этилган мақсадларга мувофиқлигини тасдиқловчи маълумотларни, шунингдек мазкур ер участкасида амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳа ҳамда ишларнинг тавсифини ва уларни рўёбга чиқариш мuddатларини ўз ичига олган ҳужжатлар;

**ер участкаси** – жисмоний ва юридик шахсларга белгиланган тартибда тегишинча мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш, доимий эғалик қилиш, доимий фойдаланиш, мuddатли (вақтинча) фойдаланиш, ижара ҳуқуқи асосида берилган ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми, шу жумладан кўп квартиралӣ уйлар жойлашган ер участкалари;

**ер участкасининг ва унда жойлашган кўчмас мулк объектларининг ҳуқуқ эгаси (бундан буён матнда ҳуқуқ эгаси деб юритилади)** – ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларга асосан ер участкасига нисбатан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш, доимий эғалик қилиш, доимий фойдаланиш, мuddатли (вақтинча) фойдаланиш, ижара ҳуқуқига ҳамда мазкур ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектига нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

**ер участкасини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ташаббускори (бундан буён матнда ташаббускор деб юритилади)** – республика давлат бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари;

**келишув** – тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимликлари ва ҳуқуқ эгаси ўртасида уларнинг розилиги билан тузиладиган, нотариал тартибда тасдиқланган ёзма шартнома бўлиб, унда компенсациянинг миқдори, тури ва уни бериш мuddати назарда тутилади;

**компенсацияқилиш** – ер участкаси жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан ҳуқуқ эгасига зарарларнинг ўрнини ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда пул шаклида ёки бошқа шаклда қоплаш;

**кўчмас мулк объекти** – бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб тарзда зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмаган объектлар. Ушбу Қонун мақсадларида ер ости бойликлари, шу жумладан фойдалӣ қазилмалар қони кўчмас мулк объектлари жумласига қирмайди.

**4-модда. Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишга асос бўладиган мақсадлар**

Ер участкаларини қуйидаги мақсадларда компенсация эвазига олиб қўйиш жамоат эҳтиёжлари деб эътироф этилади:
мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофазат этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни, эркин савдо зоналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун ерлар бериш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлари бажариш;

фойдали қазилмалар қонларини қидириш ва қазиб олиш (бундан кенг тарқалган фойдали қазилмалар қонлари мустасно); республика аҳамиятига ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль ва темир йўллари, аэропортлари, аэродромлари, аэронавигация объектларини ҳамда авиатехника марказларини, темир йўл транспорти объектларини, кўприклар, метрополитенлар, туннелларни, энергетика ва алоқа тизимининг муҳандислик объектлари ҳамда тармоқларини, космик фаолият объектларини, магистраль қувурларни, муҳандислик-коммуникация тармоқларини, ирригация ва мелиорация тизимларини қуриш (реконструкция қилиш);

тасдиқланган аҳоли пунктлари бош режаларнинг объектларниЎзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуришга оид қисмини бажариш;

давлат инвестиция дастурларида кўрсатилган давлат таълим, соғлиқчи сақлаш, маданият ва тиббий-иқтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг бинолари ҳамда иншоотларини марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан қуриш назарда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш.

Ер участкаларининг ҳар қандай бошқа мақсадларда олиб қўйилишини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш сифатида талқин этиш тақиқланади.

**5-модда. Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомилларининг асосий принциплари**

Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомилларининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;
мулк ҳуқуқининг устуворлиги;
хусусий мулкнинг дахлсизлиги;
очиқлик ва шаффофлик;
компенсациянинг қафолатланганлиги.

**2-боб. Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар ҳамда компенсация комиссиялари**

**6-модда. Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар**

Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида – республика даражасида (бундан буён матнда республика жамғармаси деб юритилади), шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида – ҳудудий даражада (бундан буён матнда ҳудудий жамғармалар деб юритилади) ташкил этилади.

Республика жамғармаси ва ҳудудий жамғармалар юридик шахс ҳисобланмайди.

**7-модда. Республика жамғармаси ва ҳудудий жамғармалар маблағларини шаклантириш**

Республика жамғармаси маблағларини шаклантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда республика бюджети маблағлари ва республика бюджетнинг қўшимча манбалари маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари; қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Ҳудудий жамғармалар маблағларини шаклантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

тегишинча Қорақалпоғистан Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари захира жамғармаларининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари қўшимча манбаларининг маблағлари;

тадбиркорлик ва шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни электрон савдо майдончасида реализация қилишдан келиб тушган, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг махусу газна ҳисобварақларига қўшимча манбалар сифатида ўтказиладиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари; қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Республика жамғармасига ва ҳудудий жамғармаларга келиб тушган маблағлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича газначилик бошқармаларида очилган шахсий газна ҳисобварақларида жамланади.

**8-модда. Республика жамғармасининг ва ҳудудий жамғармаларининг маблағларидан фойдаланиш**

Республика жамғармасининг маблағларидан фақат ушбу Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган тартибда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ташаббусига кўра ёки республика давлат бошқаруви органларининг ташаббусига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари вилоят ёки Тошкент шаҳар Кенгаши (бундан буён матнда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш деб юритилади) томонидан компенсация эвазига ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилинганлиги муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш учун фойдаланилади.

Ҳудудий жамғармаларнинг маблағларидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг ташаббусига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш томонидан ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилинганлиги муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш учун фойдаланилади.

**9-модда. Республика жамғармасининг ва ҳудудий жамғармаларнинг кузатув кенгашлари**

Республика жамғармасининг ва ҳудудий жамғармаларнинг кузатув кенгашлари (бундан буён матнда кузатув кенгашлари деб юритилади) ушбу жамғармаларнинг юқори бошқарув органларидир.

Кузатув кенгашларининг таркиби ва фаолиятни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**10-модда. Кузатув кенгашларининг ваколатлари**

Кузатув кенгашлари қуйидаги ваколатларга эга:
ташаббускор томонидан тақдим этилган асослантирувчи материалларни кўриб чиқиш ва келишиб олиш;
ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрни жисмоний ва юридик шахсларга қопланишини молиялаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

тегишли жамгарма маблағларининг келиб тушиши ва улардан фойдаланиш прогнозларини кўриб чиқиш, шунингдек уларни кейинги йил учун тасдиқлаш;

тегишли жамгарма даромадларининг барқарор шаклантирилишини ҳамда ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш.

**11-модда. Компенсация комиссиялари**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш ҳузурида уларнинг қарорлари асосида компенсация комиссиялари (бундан буён матнда Компенсация комиссиялари деб юритилади) тузилади.

Компенсация комиссиялари аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг қарорлари билан ўн этти кишидан иборат бўлган таркибда икки йил мuddатга тасдиқланади.

Компенсация комиссияси таркибига қуйидагилар қиради:
ўн нафар депутат (шундан бир нафари раис);
нодавлат нотижорат ташкилотларининг уч нафар вакили;
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси вакили (овоз бериш ҳуқуқисиз);

ҳудудий молия органининг вакили (овоз бериш ҳуқуқисиз);
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳудудий бўлинмасининг вакили (овоз бериш ҳуқуқисиз);

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимлиги тузилмасидаги ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш ишларини мувофиқлаштириш шўбасининг раҳбари (овоз бериш ҳуқуқисиз).

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузилмасидаги ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш ишларини мувофиқлаштириш

шўбаларининг раҳбарлари тегишли Компенсация комиссиялари қотибининг вазифаларини бажаради.

Компенсация комиссиялари ўз фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш томонидан тасдиқланадиган регламентлар асосида амалга оширади.

**12-модда. Компенсация комиссияларининг вазифалари**

Компенсация комиссиялари:
компенсациялар ўз вақтида тўлиқ ҳажмда берилиши устидан мунтазам мониторинг ва берилган компенсацияларнинг ҳисоби юритилишини таъминлайди;

компенсациялар ўз вақтида ва тўлиқ берилмаган ҳоллар аниқланган тақдирда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашга ахборот киритади;
компенсациялар берилиши билан боғлиқ бўлган низоларни судга қадар тартибда ҳал этишга кўмаклашади;
компенсациялар берилиши билан боғлиқ бўлган низолар бўйича тавсиявий хусусиятга эга қарорлар қабул қилади.

**3-боб. Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва ҳуқуқ эгалари билан келишув тузиш тартиби**

**13-модда. Асослантирувчи материаллари ташаббускор томонидан тайёрлаш**

Ушбу Қонуннинг 4-моддаси биринчи қисмида белгиланган мақсадларда лойиҳа ва ишларни амалга ошириш учун мақбул бошқа ер участкаси мавжуд бўлмаганлиги туфайли ер участкасини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишга (бундан буён матнда ер участкасини олиб қўйиш деб юритилади) зарурат ва асос мавжуд бўлган тақдирда, ташаббускор асослантирувчи материаллари тайёрлайди. Бунда яшаш учун яроқсиз бўлган, шу жумладан жисман эскирганлиги, авария ҳолатида эканлиги туфайли яшаш учун яроқсиз бўлган уйлар ва турар жойлар (бундан моддий маданий мерос объектлари мустасно), фойдаланилмаётган объектлар (иморатлар, иншоотлар) жойлашган ер участкалари биринчи навбатда аниқланади, бундай ер участкалари аниқланмаган тақдирда эса бошқа ер участкалари танланади.

Республика давлат бошқаруви органлари томонидан тайёрланган асослантирувчи материаллар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар ҳокимликларига киритилади.

Истисно тарихасида, халқаро шартнома лойиҳасида чет эл дипломатик ваколатхонасига ажратиш учун назарда тутилган ер участкасининг халқаро шартнома лойиҳасининг ажралмас қисми бўлган харитаси ва реқвизитлари ҳамда у билан боғлиқ асослантирувчи материаллар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тегишли сўров келиб тушган кундан эътиборан ўн иш куни давомида тайёрланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Асослантирувчи материаллар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан кўриб чиқилганидан ёки бевосита тайёрлангандан кейин қуйидагиларга тегишли хулосани ва бошқа маълумотларни олиш учун сўровлар юборилади:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирилиги тизимидаги ҳудудий қурилиш органларига – «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ахборот тизими орқали;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларига (бундан буён матнда Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари деб юритилади) – «Кадастр ва рўйхатдан ўтказишнинг интеграциялашган ахборот тизими»га интеграция қилинган махус ахборот тизими орқали.

Сўров келиб тушган кундан эътиборан ўн иш куни ичида:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирилиги тизимидаги ҳудудий қурилиш органлари, зарур бўлганда жойларга чиққан ҳолда, қурилиш объектларини шунингдек улар ҳақидаги бошқа ахборотни тўлиқ рўйхатини, шунингдек улар ҳақидаги бошқа ахборотни тайёрлайди ҳамда уларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига юборади. Бунда Давлат кадастрлари палатаси томонидан кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш ташаббускорнинг ҳисобидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тегишли хулосалар ва бошқа ахборот олинган кундан эътиборан бир ойлик мuddатда кўчмас мулк объектларининг умумий сони, тури, ҳолатини, жойлашган ерни ва бошқа мезонларни ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқ эгаларига бериладиган компенсациянинг, шунингдек ер участкаларини олиб қўйиш, шу жумладан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни, унда жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қийматини баҳолаш ҳамда уларни бузиб ташлаш билан боғлиқ харажатларнинг дастлабки миқдорини аниқлайди, шу жумладан жойларга чиққан ҳолда аниқлайди.

Моддий маданий мерос объектлари жойлашган жойларда ва уларга туташ ҳудудларда ер участкаларини олиб қўйиш «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларининг моддий маданий мерос объектлари жойлашган жойларда ва уларга туташ ҳудудларда ер қазиш, ер тузиш, қурилиш, мелиорация, хўжалик ишларини ва бошқа ишларни, моддий маданий мерос объектларини асрашга оид ишларни, шунингдек моддий маданий мерос объектларида илмий ва илмий-техник тадқиқотларни олиб боришга доир талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

**14-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлари амалга ошириш зарурати муносабати билан ер участкаларини олиб қўйиш**

Ушбу Қонуннинг 4-моддаси биринчи қисмида белгиланган мақсадларда лойиҳаларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилиш, шунингдек ер участкаларини олиб қўйиш зарурати юзага келган тақдирда, лойиҳани амалга ошириш бўйича тегишли ташаббус ва асослантирувчи материаллар манфаатдор давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Лойиҳани амалга ошириш ва шу муносабат билан ер участкаларини олиб қўйиш бўйича ташаббус, шунингдек асослантирувчи материаллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш якунларига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли лойиҳани амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Ушбу Қонуннинг 4-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган мақсадларда лойиҳанинг амалга оширилиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор қабул қилинганлиги муносабати билан ер участкаларини олиб қўйиш зарурати юзага келган тақдирда, ушбу Қонун билан ташаббускорнинг зиммасига юклатилган барча мажбуриятлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан бажарилади, ер участкаларини олиб қўйиш эса ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

**15-модда. Асослантирувчи материалларни кузатув кенгаши билан келишиш**

Компенсациянинг дастлабки миқдори аниқланган кундан эътиборан беш иш куни ичида асослантирувчи материаллар компенсациянинг дастлабки миқдори кўрсатилган ҳолда ташаббускор томонидан келишиш учун кузатув кенгашига киритилади.

Кузатув кенгаши ташаббускорни ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашини, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимликларини қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш воситасида асослантирувчи материалларни ўн иш куни ичида келишиши ёхуд келишишни рад этади.

Асослантирувчи материалларни келишиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, кузатув кенгаши ҳуқуқ эгаларига бериладиган компенсациянинг дастлабки миқдорига тенг бўлган суммадаги пул маблағларини захира қилиб қўяди.

Кузатув кенгаши томонидан келишиш рад этилган тақдирда, асослантирувчи материаллар рад этиш сабаблари бартараф этилганидан кейин ташаббускор томонидан кузатув кенгашига тақроран киритилиши мумкин.

**6-модда. Асослантирувчи материаллари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашга киритиш**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари кузатув кенгашининг ёзма розлиги олинганидан кейин уч иш куни ичида асослантирувчи материалларни кузатув кенгашининг ёзма розилиги билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашга кўриб чиқиш учун киритади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан асослантирувчи материалларни кузатув кенгашининг ёзма розилигини олмасдан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашга кўриб чиқиш учун киритиш тақиқланади.

**17-модда. Ер участкаларини олиб қўйиш бўйича ташаббусни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқиш тартиби**

Ер участкасини олиб қўйиш бўйича ташаббуснинг ушбу Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган жамоат эҳтиёжларига мувофиқлиги ҳамда ер участкасини олиб қўйиш билан боғлиқ қутилаётган сарф-харажатларнинг оқилоналиги масаласи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг асослантирувчи материаллар киритилганидан кейин чақириладиган навбатдаги очик мажлисида дастлабки тарзда кўриб чиқилади.

Ер участкасини олиб қўйиш бўйича ташаббусни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг мажлисларида дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижаларига кўра ер участкаларини олиб қўйиш бўйича ташаббуснинг очик муҳокамасини (бундан буён матнда очик муҳокама деб юритилади) ўтказиш тўғрисида ёки ташаббусни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади;

Очик муҳокама ўтказиш тўғрисидаги қарорда қуйидаги масалаларга баҳо берилиши керак:

ер участкаларини олиб қўйиш бўйича ташаббуснинг ушбу Қонун 4-моддасининг талабларига мувофиқлиги ҳақидаги;
ушбу Қонуннинг 4-моддаси биринчи қисмида белгиланган мақсадларда лойиҳа ва ишларни амалга ошириш учун мақбул бошқа ер участкаси мавжуд эмаслиги тўғрисидаги;

яшаш учун яроқсиз бўлган, шу жумладан жисман эскирганлиги, авария ҳолатида эканлиги туфайли

# Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида

**⟨ (Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда). ⟩**

кузатув кенгашининг ёзма розилиги мавжуд бўлмаганда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш томонидан умумий тартибда қўриб чиқилади. Ер участкасини олиб қўйиш бўйича ташаббусни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой муддатда асослантирувчи материаллар рад этиш сабаблари бартараф этилганидан кейин такроран киритилиши мумкин.

Такроран киритилган асослантирувчи материаллар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш томонидан умумий тартибда қўриб чиқилади.

Ер участкасини олиб қўйиш бўйича ташаббусни рад этиш тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш томонидан такроран қабул қилинган тақдирда, айнан ушбу ташаббусни беш йил ичида такроран киритиш тақиқланади.

<b>19-модда. Чоқ муҳокама ўтказиш тўғрисидаги қарорнинг эълон қилиниши</b>
<p>Очиқ муҳокама ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан кейин бир иш куни ичида ташаббускорга ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимликларига юборилади.</p>

Очиқ муҳокама ўтказиш тўғрисидаги қарор келиб тушган кундан кейинги иш кунида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимликларининг расмий веб-сайтида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек мазкур давлат органларининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида тўлиқ ҳажмда эълон қилиниши керак.

<b>20-модда. Ҳуқуқ эгалари билан очиқ муҳокама ўтказиш тартиби</b>
<p>Ҳуқуқ эгалари билан очиқ муҳокама Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш томонидан тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида ўтказилади.</p>

Ташаббускор Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш томонидан очиқ муҳокама ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан икки иш куни ўтгач, бироқ очиқ муҳокама ўтказиладиган кундан каммида етти кун олдин ҳуқуқ эгаларига очиқ муҳокамани ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилган ҳолдаги хабарномани юбориши керак.

Ҳуқуқ эгалари очиқ муҳокамани ўтказиш вақти ва жойи ҳақида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек мазкур давлат органларининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълонлар бериш орқали ҳам хабардор қилиниши керак.

Очиқ муҳокама жараёнининг мажбурий тартибда аудио-ва видеоёзуви таъминланади. Очиқ муҳокама оммавий ахборот воситалари иштирокчида ташкил этилиши керак. Ташаббускор очиқ муҳокамада оммавий ахборот воситаларининг иштирокини таъминлаши керак.

Очиқ муҳокама жараёнининг аудио-, фото-ва видеоёзуви олиб борилишини чеклашга йўл қўйилмайди.

Очиқ муҳокамани ўтказиш жойи кўпчилик ҳуқуқ эгаларининг яшаш жойига ёки жойлашган ерига яқин бўлиши керак.

Ташаббускор ҳуқуқ эгалари (уларнинг вакиллари) учун очиқ муҳокамада онлайн иштирок этиш имкониятини таъминлаши керак.

Очиқ муҳокама, агар унда ҳуқуқ эгаларининг (улар вакилларининг) учдан икки қисми иштирок этган бўлса, ўтказилган деб ҳисобланади.

Очиқ муҳокама жараёнида ташаббускор ҳуқуқ эгаларини (уларнинг вакилларини) мазкур ер участкасини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишнинг мақсади, шартлари ва истиқболлари билан таништириши ҳамда уларнинг фикрларини эшитиши керак.

Очиқ муҳокама яқунлари бўйича ташаббускор томонидан баённома тузилади, баённома ташаббускорнинг вакили ва очиқ муҳокамада иштирок этган барча ҳуқуқ эгалари (уларнинг вакиллари) томонидан имзоланади.

Баённомада очиқ муҳокама ўтказилган жой, вақт, иштирокчилар таркиби, кун тартиби, муҳокамада билдирилган фикрлар кўрсатилади. Баённомага очиқ муҳокамада иштирок этган ташаббускор вакилларининг ҳамда ҳуқуқ эгаларининг (улар вакилларининг) рўйхати, шунингдек очиқ муҳокама жараёнининг аудио- ва видеоёзуви илова қилинади.

Ҳуқуқ эгалари (уларнинг вакиллари) баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, бунинг сабаблари кўрсатилган ҳолда далолатнома тузилади, далолатнома баённомани имзолашдан бош тортган ҳуқуқ эгалари (уларнинг вакиллари) ва ташаббускорнинг вакили томонидан имзоланади.

Баённома тузилган кундан кейинги иш кунида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлигининг расмий веб-сайтида тўлиқ ҳажмда эълон қилинади, баённоманинг ва далолатноманинг асл нусхалари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашга юборилади.

Очиқ муҳокама белгиланган муддатда ўтказилган тақдирда, асослантирувчи материаллар ўн беш иш куни ичида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашга ер участкаларини олиб қўйиш бўйича ташаббусни такроран қўриб чиқиш учун киритилиши мумкин. Такроран киритилган асослантирувчи материаллар умумий асосларда қўриб чиқилади.

<b>21-модда. Ер участкаларини олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш тартиби</b>
<p>Очиқ муҳокама яқунлари бўйича тузилган баённома Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашга тақдим этилгандан кейин бир ой ичида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси девони, маҳаллий Кенгаш котибияти ер участкасини олиб қўйиш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг қарори лойиҳасини тайёрлайди.</p>

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори лойиҳасида қуйидагилар кўрсатилади:
олиб қўйилаётган ер участкасининг географик координатлари;
ер участкасини олиб қўйиш асослари ва мақсадлари;
олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган, бузиб ташланиши лозим бўлган кўчмас мулк объектлари ва уларнинг мулкдорлари тўғрисидаги маълумотлар;
олиб қўйилаётган ер участкасида амалга ошириладиган лойиҳанинг ва ишларнинг тавсифи, шу жумладан қуриладиган

# Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида

объектлар, лойиҳани ҳамда ишларни амалга оширишнинг бошланиш ва яқунлиниш мuddатлари ҳақидаги маълумотлар;
ер участкасини олиб қўйиш, шу жумладан ҳуқуқ эгаларига компенсация бериш билан боғлиқ бошқа масалалар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси қўриб чиқиш ҳамда мазкур лойиҳасининг ушбу Қонун талабларига мувофиқ эканлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида ҳуқуқий хулоса бериш учун тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига, вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасига маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказиш «Е-қароғ» ягона электрон тизими орқали юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан ўн иш куни ичида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ва унинг натижаси бўйича тегишли ҳуқуқий хулоса берилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан ижобий хулоса берилган тақдирда, мазкур қарор лойиҳаси тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг навбатдаги ййгилишида қўриб чиқилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан салбий хулоса берилган тақдирда, қарор лойиҳасини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш қўриб чиқиши учун киритиш тақиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини қўриб чиқиш чоғида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг мажлисида ташаббускор вакилларининг ва ҳуқуқ эгаларининг (улар вакилларининг) иштирок этиши таъминланиши керак. Бунда ташаббускорнинг вакили ва ҳуқуқ эгалари (уларнинг вакиллари) ўз фикрларини, эътирозларини билдиришга, тегишли тузантиришлар олишга, шунингдек ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси бўйича депутатларнинг овоз бериши жараёнини кузатишга ҳақли.

Ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат бўлган кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Агар ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси овоз бериш яқунларига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат бўлган кўпчилик овозини ололмаса, ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги ташаббус рад этилган деб ҳисобланади. Бунда мазкур ташаббус беш йил ичида такроран киритилиши мумкин эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш ёки ер участкасини олиб қўйишни рад этиш тўғрисидаги қарори Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек мазкур органларнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон қилиниши керак.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш ёки ер участкасини олиб қўйишни рад этиш тўғрисидаги қарори Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек мазкур органларнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон қилиниши керак.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш ёки ер участкасини олиб қўйишни рад этиш тўғрисидаги қарори Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек мазкур органларнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон қилиниши керак.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш ёки ер участкасини олиб қўйишни рад этиш тўғрисидаги қарори Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек мазкур органларнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон қилиниши керак.

<b>22-модда. Ҳуқуқ эгалари билан келишув тузиш тартиби</b>
<p>Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳуқуқ эгалари билан компенсациянинг шартлари, турлари ва микдори бўйича келишувга эришишга доир ишларни амалга оширади.</p>

Келишувга эришилганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлиги ва ҳуқуқ эгаси ўртасида икки томонлама келишув имзоланади, келишув нотариал тартибда тасдиқланади ҳамда «Кадастр ва рўйхатдан ўтказишнинг интеграциялаштирилган ахборот тизими»га интеграция қилинган махсус ахборот тизими орқали Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармаларига юборилади, шунингдек мазкур ер участкасида жойлашган кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказишга нисбатан тақиқ қўйилади.

Компенсациянинг турлари, микдори ва уни бериш муддати, шунингдек компенсация тўлиқ ҳажмда берилганидан кейин кўчмас мулк объектини бўшатиш муддати келишувда назарда тутилди. Бунда кўчмас мулк объектини бўшатиш муддати компенсация тўлиқ ҳажмда берилган кундан эътиборан ҳисобланади ва олти ойдан ошмаслиги керак.

Ҳуқуқ эгаси келишув тузилганидан кейин вафот этган тақдирда, келишув бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар унинг меросхўрларига меросдаги ўз улшларига мутаносиб равишда ўтади. Ҳуқуқ эгаси келишув тузилгунига қадар вафот этган тақдирда, келишув тузиш билан боғлиқ музокаралар унинг меросхўрлари билан умумий асосларда ўтказилади. Меросхўрларнинг таркиби ва улардан ҳар бирининг меросдаги улushi меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома асосида, низо юзага келган тақдирда эса суд томонидан белгиланади.

Олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини келишув имзоланганидан кейин бошқа шахсга ўтказишга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлигининг ёзма розилиги мавжуд бўлганда ёҳуд келишув (келишувда белгиланган тартибда, тарафларнинг розилиги билан ёки суд тартибда) бекор қилинган тақдирда йўл қўйилади. Бўзиб ташланадиган кўчмас мулк объектини сотиб олган шахс келишувдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича аввалги ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқий вориси бўлади. Компенсация тўлиқ ҳажмда берилганидан кейин қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланади.

Ҳуқуқ эгаси билан келишувга эришилмаган тақдирда, ҳуқуқ эгасини келишувни имзолашга мажбур қилиш мақсадида ўзига тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини эркин тасарруф этишига монелик қиладиган хатти-ҳаракатларни содир этишга, шу жумладан турар жойни (яшаш учун мўлжалланмаган жойни), ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини ҳамда бошқа бинолар ва иншоотларни коммуникация тармоқларидан, шу жумладан сув таъминоти, оқова сувларни чиқариб юбориш, электр, алоқа, иссиқлик ва газ тармоқларидан узиб қўйишга, кўчмас мулк объектларига киришни тўсиб қўйишга, ҳуқуқ эгасининг муносиб ҳаёт кечириши учун монелик қиладиган шарт-шароитларни яратишга йўл қўйилмайди.

# Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида

тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини эркин тасарруф этишига монелик қиладиган хатти-ҳаракатларни содир этишга, шу жумладан турар жойни (яшаш учун мўлжалланмаган жойни), ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини ҳамда бошқа бинолар ва иншоотларни коммуникация тармоқларидан, шу жумладан сув таъминоти, оқова сувларни чиқариб юбориш, электр, алоқа, иссиқлик ва газ тармоқларидан узиб қўйишга, кўчмас мулк объектларига киришни тўсиб қўйишга, ҳуқуқ эгасининг муносиб ҳаёт кечириши учун монелик қиладиган шарт-шароитларни яратишга йўл қўйилмайди.

<b>4-бoб. Компенсация бериш тартиби</b>
<p><b>23-модда. Ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан бериладиган компенсация</b></p>

Қуйидагилар компенсация қилинади:
олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати;
олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати (бундан қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқи мустасно);
олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўп йиллик дов-дарактларнинг бозор қиймати;

кўчиш, шу жумладан бошқа кўчмас мулк объектини вақтинчалик ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар;
ер участкасидан ва унда жойлашган кўчмас мулк объектларидан фойдаланишдан олиниши мумкин бўлган бой берилган фойда (бунда ер участкаси ва унда жойлашган кўчмас мулк объектлари бўшатиб қўйилган пайтдан эътиборан аввалги фаолиятни тиклашга қадар бўлган, бироқ бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатдаги фойда ёки мавсумий ҳосилдан олиниши мумкин бўлган фойда ҳисобга олинади);
ҳуқуқ эгасининг конунчиликда ёки келишувда назарда тутилган бошқа харажатлари ва зарарлари.

Ер участкаси олиб қўйилганиги муносабати билан ҳуқуқ эгасига нуқулайликлар келтириб чиқарилганлиги учун компенсация сифатида ер участкасида жойлашган кўчмас мулк бозор қийматининг беш фоизи миқдорида бир марталик тўлов амалга оширилади.

Ушбу молданинг биринчи қисмида кўрсатилган компенсацияларнинг микдорини баҳолаш стандартлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан белгиланади.

Конунчиликка мувофиқ ҳуқуқ эгасига тегишли бўлган, олиб қўйилган ер участкасида ўзбошимчалик билан қурилган турар жойлар (яшаш учун мўлжалланмаган жойлар), ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари ҳамда бошқа бинолар ва иншоотлар мавжуд бўлган тақдирда, уларнинг бозор қиймати ҳам тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Ушбу Қонуннинг 4-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган мақсадларда лойиҳалар ва ишларни амалга ошириш учун режалаштирилган ер участкасида (бундан аҳоли пункти ерлари тоифасига кирмайдиган ерлар, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар ва муҳофазат этиладиган ҳудудларда жойлашган ер участкалари мустасно) жойлашган турар жойга нисбатан ҳуқуқни белгилловчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаган, ушбу турар жойга ўн беш йил (эгалик қилиш ҳуқуқини юзага келтирувчи мuddат) мобайнида худди ўз мулкидек ҳалол, ошқора ва зулуксиз эгалик қилган шахсларга, ушбу кўчмас мулк объектлари учун солиқлар тўлаб келинганлиги тасдиқланган тақдирда, мазкур кўчмас мулк объектлари қийматининг ўрни қопланади.

<b>24-модда. Бериладиган компенсация турлари ва манбалари</b>
<p>Бериладиган компенсация турлари қуйидагилардан иборат: пул маблағлари, шу жумладан турар жойларни ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларни вақтинчалик ижарага олиш учун пул маблағлари; бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб бериш; келишувда назарда тутилган компенсациянинг бошқа турлари.</p>

Тарафларнинг келишувига кўра ҳуқуқ эгасига кўчмас мулк объектларининг баҳолаш қиймати ҳисобга олинган ҳолда компенсациянинг бир неча турлари берилиши мумкин. Бузиб ташланадиган кўчмас мулк ўрнига янги қурилган кўчмас мулк объектини бериш мuddати бошқа кўчмас мулк объекти вақтинча фойдаланишга берилган кундан эътиборан йигирма тўрт ойдан ошмаслиги керак. Кўрсатилган мuddатда янги кўчмас мулк объекти берилмаган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимлиги ҳуқуқ эгасига ҳар бир кечиктирилган кун учун бузиб ташланган ёки бузиб ташланадиган кўчмас мулк объекти баҳолаш қийматининг 0,05 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

Битта маҳаллада ёки битта кўчада яшовчи ҳуқуқ эгалари ва уларнинг оила аъзолари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек маданий қадриятларни сақлаб қолиш мақсадида, ҳуқуқ эгаларининг хошишга кўра уларга битта маҳаллада ёки кўчада жойлашган янги уйлар (битта кўп квартирали уйдаги квартиралар) берилиши мумкин.

Компенсация ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган тартибда тегишли марказлаштирилган жамғарма маблағлари ва конунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан берилади.

<b>25-модда. Компенсация бериш тартиби ва мuddатлари</b>
<p>Кўп квартирали уй жойлашган ер участкаси олиб қўйилганда тарафларнинг келишувига кўра ҳуқуқ эгасига, қоида тариқасида, ўша туманда (шаҳарда) ёки ҳуқуқ эгасининг танловига кўра бошқа туманда (шаҳарда) жойлашган, майдони уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган, аввалгисига тенг қийматли турар жой (квартира) мулк қилиб берилади. Ҳуқуқ эгасининг хошишга кўра турар жой (квартира) олиб қўйилган ер участкасида қурилаётган кўп квартирали уйдан берилиши мумкин. Бундай ҳолда ҳуқуқ эгасига ушбу турар жой (квартира) топшириладиган пайтга қадар унга ва унинг оила аъзоларига ташаббускорнинг маблағлари ҳисобидан бошқа барча қулайликлари бўлган турар жой вақтинчалик ижарага берилади.</p>

Яшаш учун мўлжалланмаган объект жойлашган ер участкаси олиб қўйилганда тарафларнинг келишувига кўра ҳуқуқ эгасига, қоида тариқасида, ўша туманда (шаҳарда) ёки ҳуқуқ эгасининг танловига кўра бошқа туманда (шаҳарда) жойлашган, майдони аввалги яшаш учун мўлжалланмаган объектнинг умумий майдонидан кичик бўлмаган, аввалгисига тенг қийматли яшаш учун мўлжалланмаган объект мулк қилиб берилади. Яшаш учун мўлжалланмаган объект олиб қўйилган ер участкасида қурилаётган объектдан берилган тақдирда, ушбу яшаш учун мўлжалланмаган объект топшириладиган пайтга қадар ташаббускорнинг маблағлари ҳисобидан ҳуқуқ эгасига яшаш учун мўлжалланмаган объект вақтинчалик ижарага берилади.

Якка тартибдаги (шу жумладан қурилиши тугалланмаган, лекин белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган) уй жойлашган ер

# Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида

участкasi олиб қўйилганда тарафларнинг келишувига кўра ҳуқуқ эгасига, қоида тариқасида, ўша туманда (шаҳарда) ёки ҳуқуқ эгасининг танловига кўра бошқа туманда (шаҳарда) жойлашган, майдони уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган, аввалгисига тенг қийматли якка тартибдаги уй мулк қилиб берилади. Ушбу якка тартибдаги уй ҳуқуқ эгасига бериладиган пайтга қадар унга ва унинг оила аъзоларига ташаббускорнинг маблағлари ҳисобидан барча қулайликлари бўлган турар жой вақтинчалик ижарага берилади.

Ҳуқуқ эгасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, мuddатли (вақтинчалик) фойдаланиши ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаси олиб қўйилганда ҳуқуқ эгасига ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматига тенг миқдорда пул маблағлари тўланади.

Компенсацияни пул маблағлари тарзида бериш ушбу маблағларни ҳуқуқ

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида

◄ (Давоми. Бошланчи 1, 2, 3-бетларда).

Компенсациянинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда берилмаганлиги ҳолати аниқланган тақдирда Компенсация комиссияси ўз мажлисида мониторинг натижаларини кўриб чиқиб, компенсация юзасидан низо келиб чиқшнинг олдини олиш бўйича тавсиявий тусга эга бўлган қарор қабул қилади ҳамда уни компенсациянинг ўз вақтида ва тўлиқ берилмаганлигига йўл қўйган ташаббускорга юборади.

Компенсация комиссиясининг қарорлари унинг мажлисларида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этганда бир овоздан қабул қилинади.

Компенсация комиссиясининг мажлислари ташаббускорларнинг вакиллари ва ҳуқуқ эгалари (уларнинг вакиллари), шунингдек жамоатчилик иштирокида очиқ тарзда ўтказилади.

Компенсация комиссияси компенсация ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда берилмаганлиги ҳолати аниқланганлиги тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашга ахборот киритади.

**5-боб. Олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектини эгасиз мол-мулк деб топиш ва бузиладиган кўчмас мулкни, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш тартиби**

**28-модда. Олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектини эгасиз мол-мулк деб топиш тартиби**

Олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объекти, агар унинг мулкдори бўлмаса (шу жумладан, агар кўчмас мулк объекти турар жой бўлса, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар) ёки унинг мулкдори номаълум бўлса, эгасиз мол-мулк бўлади.

Эгасиз мол-мулк бўлган кўчмас мулк объекти тегишли давлат органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг аризасига биноан кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган томонидан ҳисобга олинади.

Эгасиз мол-мулк бўлган кўчмас мулк объекти ҳисобга қўйилган кундан эътиборан бир йил ўтгач, давлат мулкни бошқаришга ваколатли бўлган орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бу кўчмас мулк объектини давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига киритилган деб топиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиши мумкин.

**29-модда. Бузиладиган кўчмас мулк объектларини, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш**

Бузиладиган кўчмас мулк объектларини, шу жумладан кўп йиллик дов-дарахтларни, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш ер участкасини олиб қўйиш тўғрисида ушбу Қонуннинг 21-моддасида назарда тутилган тартибда қарор қабул қилинганидан кейин ва келишув тузилгунига қадар амалга оширилади. Бундай ҳолда кўчмас мулк объектларининг, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг қиймати ер участкаси олиб қўйилиши тартиб-таомили бошлангунига қадар бўлган пайтдаги ёки ер участкаси олиб қўйилиши ҳақидаги хабар кўчмас мулк объектининг қийматига, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларга таъсир кўрсатилгунига қадар бўлган пайтдаги ҳолатга кўра баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланади.

Эгасиз мол-мулк бўлган кўчмас мулк объектлари, шунингдек ушбу объектлар жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқлар ҳам баҳоланади.

Бузиладиган кўчмас мулк объектларини, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш чоғида ташаббускорнинг ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг баҳоловчи ташкилот фаолиятига аралashiшига йўл қўйилмайди.

Баҳоловчи ташкилот ва ташаббускор ўртасида тузиладиган шартнома, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда эса суднинг ажрими бузиладиган кўчмас мулк объектини, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолашдан ўтказиш учун асос бўлади.

Олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш фақат ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Бузиладиган кўчмас мулк объектини, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш ҳақида ҳисобот тузилган пайтдан эътиборан олти ой ичида такроран баҳолашдан ўтказишга йўл қўйилмайди, бундан ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Агар бузиладиган кўчмас мулк объектини, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот суднинг қарорига биноан ишончли эмас деб топилса, қонунчиликда белгиланган тартибда такроран баҳолашдан ўтказишга йўл қўйилади.

Бузиладиган кўчмас мулк объектини, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш баҳоловчи ташкилотлар томонидан ташаббускорнинг олиб қўйилаётган ер участкасида тегишли лойиҳани ва ишларни амалга ошириш учун мўлжалланган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**6-боб. Олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш тартиби**

**30-модда. Олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектини бузиш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби**

Компенсациялар берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар «Кадастр ва рўйхатдан ўтказишнинг интеграциялашган ахборот тизими»га интеграция қилинган махсус ахборот тизимига киритилганидан кейин, шунингдек кўчмас мулк объектини бўшатишнинг келишувда назарда тутилган муддати тугагач, ташаббускор олиб қўйилган ер участкасида жойлашган бузиладиган кўчмас мулк объектларининг рўйхатини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашга тақдим этади.

Олиб қўйилган ер участкасида жойлашган бузиладиган кўчмас мулк объектларининг рўйхати тақдим этилганидан кейин ўн беш кун ичида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг девони, маҳаллий Кенгашларнинг котибиятлари олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш ҳақидаги қарор лойиҳасини тайёрлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш тўғрисидаги қарори лойиҳасида қуйдагилар акс эттирилиши керак:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг мазкур ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги қарорларининг рақами, санаси ва эълон қилинадиган манбаи; олиб қўйилган ер участкасида жойлашган бузиладиган кўчмас мулк объектларининг манзили рўйхати;

олиб қўйилган ер участкасида жойлашган ҳар бир кўчмас мулк объектининг бузилиши бошланадиган сана; қонунчиликда белгиланган шаҳарсозлик нормаларига ва қондаларига риоя этилишига доир талаблар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш тўғрисидаги қарори лойиҳасига қуйдагилар илова қилинади:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳамда ҳуқуқ эгаси ўртасида тузилган келишувнинг кўчирма нусхаси; ҳуқуқ эгаларига компенсация тўлиқ ҳажмда берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг кўчмас мулк объектини бузиш ҳақидаги қарори лойиҳаси кўриб чиқиш ҳамда қарор лойиҳасининг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида ҳуқуқий хулоса бериш учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг «Е-қағоғ» ягона электрон тизими орқали Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига, тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар адлия бошқармасига юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини ўн иш куни ичида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиб, натижалари юзасидан тегишли ҳуқуқий хулоса беради.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш ҳақидаги қарори лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, зарур ҳолларда, бошқа керакли ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси юзасидан салбий хулоса берилган тақдирда, аниқланган камчиликлар бартараф этилганидан кейин мазкур қарор лойиҳаси ҳуқуқий хулоса бериш учун такроран киритилиши мумкин. Такроран киритилган қарор лойиҳаси умумий асосларда кўриб чиқилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси юзасидан салбий хулоса берилган тақдирда, мазкур қарор лойиҳасини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш кўриб чиқиши учун киритиш таққиланади.

Олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш ҳақидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат бўлган кўпчилик овози билан қабул қилинади.

**31-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектини бузиш тўғрисидаги қарорини эълон қилиш**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектини бузиш ҳақидаги қарори ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш куни ичида:

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни тугатиш тўғрисида тегишли ёзувни киритиш учун Давлат кадастрлари палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига; тегишли солиқлар ва йиғимларни қайта ҳисоб-китоб қилиш учун тегишли туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектини бузиш тўғрисидаги қарори Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашнинг, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлигининг расмий веб-сайтида, бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек мазкур давлат органларининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон қилиниши керак.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг кўчмас мулк объектини бузиш ҳақидаги қарори бузиладиган кўчмас мулк объектига нисбатан мулкий ҳуқуқларнинг ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг тугатилиши учун асос бўлади.

**32-модда. Кўчмас мулк объектини бузишга доир ҳарajatларнинг ўрнини қоплаш учун маблағларнинг манбалари**

Кўчмас мулк объектини бузиш олиб қўйилаётган ер участкасида лойиҳани ва ишларни амалга ошириш учун мўлжалланган маблағлар ҳисобидан ташаббускор томонидан амалга оширилади.

Ҳуқуқ эгаси ташаббускор билан келишилган ҳолда кўчмас мулк объектини ўз маблағлари ҳисобидан бузиши ва қурилиш материалларини олиб чиқиб кетиши мумкин.

**7-боб. Яқунловчи қондалар**

**33-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш ёки олиб қўйишни рад этиш, шунингдек кўчмас мулк объектини бузиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиш**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш ёки олиб қўйишни рад этиш, шунингдек кўчмас мулк объектини бузиш тўғрисидаги қарори муносидалар ва ташкилотлар томонидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

**34-модда. Ҳуқуқ эгасига компенсация берилиши билан боғлиқ низоларни ҳал этиш**

Ҳуқуқ эгасига компенсация берилиши билан боғлиқ низолар дастлаб судга қадар тартибда Компенсация комиссиялари томонидан кўриб чиқилади.

Ҳуқуқ эгасига компенсация берилиши билан боғлиқ низо юзасидан ариза Компенсация комиссияси аризини олган кундан эътиборан уч иш куни ичида кўриб чиқилиши керак.

Компенсация комиссиясининг қароридан норози бўлган тараф қрон ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилиши мумкин.

**35-модда. Ҳуқуқ эгасига компенсация берилиши билан боғлиқ низо кўриб чиқилгунига қадар кўчмас мулк объектларини бузиш тўғрисида қарорлар қабул қилинишига йўл қўйилмаслиги**

Ҳуқуқ эгасига компенсация берилиши билан боғлиқ низо келиб чиққан тақдирда, агар мазкур низо судга қадар тартибда кўриб чиқилмаган бўлса ва мазкур низо бўйича суднинг қонуний қучга кирган қарори мавжуд бўлмаса, олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш ҳақида қарор қабул қилиш таққиланади.

**36-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг қарорига биноан олиб қўйилган ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланилишига йўл қўйилмаслиги**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг қарорига биноан олиб қўйилган ер участкаларидан

фақат мазкур қарорда кўрсатилган мақсадларда фойдаланилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг қарорига кўра олиб қўйилган ер участкаларидан мазкур қарорда назарда тутилмаган мақсадларда фойдаланилиши таққиланади, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Олиб қўйилган ер участкасидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарорида кўрсатилган мақсадларда фойдаланилишига монелик қиладиган, ташаббускор олдиндан кўра билиши мумкин бўлмаган ҳолатлар юзгага келган тақдирда, мазкур ер участкасидан ушбу Қонуннинг 4-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган мақсадлардан бири учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг қарорига кўра фойдаланилиши мумкин.

**37-модда. Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Ушбу Қонун талабларига риоя этилмаган ҳолда ер участкаларини олиб қўйиш ҳамда кўчмас мулк объектларини бузиш таққиланади.

Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**38-модда. Қабул қилинган маъмурий ҳужжат қонунга хилоф деб топилган тақдирда етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва кўчмас мулк объектларини бузиш тўғрисидаги қарорлари қонунга хилоф деб топилган тақдирда жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларнинг ўрни, биринчи навбатда, қарақлаштирилган жағфармаларнинг маблағлари ҳисобидан қоплашиб, кейинчалик ушбу маблағлар айбдор шахслардан регресс тартибида ундирилади.

**39-модда. Ушбу Қонун қучга киргунига қадар бошланган, бироқ яқунланмай қолган муносабатларнинг тартибга солиниши**

Агар ер участкаларини олиб қўйиш тартиб-таомиллари ушбу Қонун қучга киргунига қадар бошланган, бироқ ер участкасини олиб қўйиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 37-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ қарор қабул қилинмаган бўлса, мазкур ер участкаларига нисбатан ушбу Қонунда назарда тутилган тартиб-таомиллар қўлланилади.

Агар ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарор ушбу Қонун қучга киргунига қадар Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 37-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ қабул қилинган бўлса, мазкур ер участкаларига нисбатан келишув тузиш, компенсация бериш, бузиладиган кўчмас мулкни ва олиб қўйилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш, кўчмас мулк объектларини бузиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш чоғида ушбу Қонуннинг 22–32-моддаларида назарда тутилган тартиб-таомиллар қўлланилади.

**40-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**41-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳуқумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**42-модда. Ушбу Қонуннинг қучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач қучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 29 июнь
№ ўРҚ—781

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

◄ (Давоми. Бошланчи 1-бетда).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 913–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Аxbоротномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда; 2021 йил, № 1, 3, 7, 13-моддалар,

4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **17-модданинг бешинчи қисми** «кўпчилик овози билан» деган сўзлардан кейин «қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган масалалар бўйича эса депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан» деган сўзлар билан тўдирилсин;
2) **24-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари жисмоний ва юридик шахсларга тегишичча мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва олиб қўйилган ер участкаларида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш тўғрисида қарорлар қабул қилади»;

№ 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда,№ 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда,№ 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил,№ 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда, 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, №

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 4-бетларда).

«Агар гаровга қўювчининг гаров нарсаси бўлган мол-мулкка мулк ҳуқуқи қонун билан белгиланган асослар ва тартибда, жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганлиги (қайта сотиб олиш), реквизиция ёки национализация оқибатида бекор бўлса, гаровга қўювчига бошқа мол-мулк берилади ёки тегишли ҳақ (компенсация) тўланади. Бундай ҳолда ўрнига-ўрин берилган мол-мулкка гаров ҳуқуқи татбиқ этилади ёки тегишинча, гаровга олувчи гаровга қўювчига тегиши керак бўлган ҳақ суммасидан (компенсациядан) ўз талабини имтёзли қаноатлантириш ҳуқуқига эга бўлади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида**ги 543–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрда қабул қилинган УРҚ–409-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 274-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 8, 470-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) **47-моддаси учинчи қисмининг олтинчи хатбошисида**ги «давлат ёки жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар «жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 82-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4, 199-модда, № 8, 469-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, № 1, 3-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

- 5-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисида**ги «давлат ва жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар «жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 12-модда бешинчи қисмининг 4-бандида**ги «давлат ва жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар «жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 20-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисида**ги «давлат ва жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар «жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 24<sup>1</sup>-модда учинчи қисмининг тўртинчи хатбошисида**ги «давлат ва жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар «жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 35-модда иккинчи қисмининг 4-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
 

«4) вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ер участкасини жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга бериш ҳақидаги қарорлари;»
- 36-модда учинчи қисмининг 2-бандида**ги «давлат ва жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар «жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 37-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«37-модда. Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш**

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишинча мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш, доимий эғалик қилиш, доимий фойдаланиш, мuddатли (вақтинча) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини ёки уларнинг қисмларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилади»;

8) қуйидаги мазмундаги **37<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«37<sup>1</sup>-модда. Ер участкасини жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш**

Юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкасини жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ушбу Кодекснинг 18-моддасида назарда тутилган чет эл юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлган ер участкасини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объекти ёхуд турар жой ҳамда бошқа бино билан бирга ёки бинонинг бир қисми билан бирга жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш маъzur Кодекснинг 41-моддасида назарда тутилган кафолатлар таъминланган ҳолда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъхамасининг қарорига кўра амалга оширилади»;

9) **41-модданинг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

- «Жисмоний ва юридик шахсларга тегишинчамерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш, доимий эғалик қилиш, доимий фойдаланиш, мuddатли (вақтинча) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш фақат қонунда назарда тутилган компенсация тўла ҳажмда берилганидан кейин амалга оширилади»;
- Маъzur Кодекснинг 18-моддасида назарда тутилган чет эл юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкда бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектини, шунингдек уй-жой биноларини ҳамда бошқа биноларни ёки биноларнинг бир қисмини улар жойлашган ер участкаси билан бирга жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш, шунингдек уларни мусодара қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади»;
- 51-модданинг ўн биринчи қисмида**ги «давлат ва жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар «жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 72-модданинг учинчи қисмида**ги «давлат ва жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар«жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 86-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
 

«Зарарларнинг ўрнини қоплаш ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилаётганда тегишинча Жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар маблағлари ҳисобидан, шунингдек фаолияти ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ер участкалари ижарачилари ҳамда мулкдорларининг ҳуқуқлари чекланишига ёки яқин атрофдаги ерларнинг сифати ёмонлашувига олиб борган қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қонунчиликда белгиланадиган тартибда амалга оширилади».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида**»ги 600–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 84-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **15-моддасининг олтинчи қисмида**ги «давлат ва жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар «жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августда қабул қилинган **«Давлат ер кадастри тўғрисида**»ги 666–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 432-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800-модда) **14-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ер участкасини жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга бериш ҳақидаги қарорлари тўғрисидаги».

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Баҳолаш фаолияти тўғрисида**»ги 811–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 208-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2009 йил, № 4, 135-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) **11-моддаси иккинчи қисмининг бешинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«мол-мулк мулкдорлардан жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олинаётганда ёки қонунчиликда назарда тутилган бошқача тарзда олиб қўйилаётганда».

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**»ги 69–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган УРҚ–328-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 5, 133-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 384, 385-моддалар; 2018 йил, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 3, 166-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 213-модда) **25-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Деҳқон хўжалигининг ер участкасини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишга фақат қонунда назарда тутилган компенсация тўлиқ ҳажмда берилганидан кейин йўл қўйилади».

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган **«Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида**»ги 269–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10,180-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 309-модда; 2009 йил, № 10, 381-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 6,300-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **28-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисида**ги «давлат ва жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар «жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида**»ги 710–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 14-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **7-моддасининг еттинчи қисмида**ги «давлат ва жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар «жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрда қабул қилинган **«Ипотека тўғрисида**»ги УРҚ–58-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 535-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 10, 671-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **28-моддасининг биринчи қисмида**ги «мол-мулкнинг давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши (ҳажини тўлаб олиниши)» деган сўзлар «мол-мулкнинг жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши (қайта сотиб олиниши)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 сентябрда қабул қилинган **«Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида**»ги УРҚ–336-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 9/2, 245-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2021 йил, № 1, 3-модда, 4-сонга илова) **19-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- учинчи қисм** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
 

«Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарори фақат адлия органларининг ижобий хулосаси мавжуд бўлганда қабул қилинади. Тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлиги ва ер участкасининг ҳамда олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг ҳуқуқ эгаси ўртасида тузиладиган, ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан бериладиган компенсациянинг миқдори, тури ва уни бериш мuddати назарда тутилганидан келишув мажбурий шартнома нотариал тартибда тасдиқлангани лозим»;
- тўққизинчи қисмида**ги «бузиб ташланаётган уй ўрнига якка тартибда уй-жой қуриши учун фуқарога ер участкаси бериш» деган сўзлар «фуқарога олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматини бериш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**14-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган УРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 803, 804-моддалар, № 10, 973-модда, № 12, 1198-модда) **71-моддаси биринчи қисмининг 6-бандида**ги «давлат ёки жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар «жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган УРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3,166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3,198-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 10-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда) **240-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида**ги «давлат эҳтиёжлари учун мулкни мажбурий тартибда олиб қўйиш» деган сўзлар «жамоат эҳтиёжлари учун мулкни олиб қўйиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**16-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 майда қабул қилинган **«Йилловлар тўғрисида**»ги УРҚ–538-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 263-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800-модда) **19-моддасининг еттинчи хатбошисида**ги «давлат ва жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар «жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**17-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22февралда қабул қилинган УРҚ–676-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 145-модда) **82-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«82-модда. Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш**

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишинча мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш, доимий эғалик қилиш, доимий фойдаланиш, мuddатли (вақтинча) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилади».

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 ноябрда қабул қилинган **«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида**»ги УРҚ–728-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 11, 1060-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- 12-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошисида**ги «давлат ва жамият эҳтиёжлари» деган сўзлар «жамоат эҳтиёжлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 23-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
 

«ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисида ариза топширилгунига қадар қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорлари мавжудлиги»;
- 34-модданинг: номида**ги **«Хусусийлаштирилган ер участкасини»** деган сўзлар **«Юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкасини»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- биринчи хатбошисида**ги «Хусусийлаштирилган ер участкасини» деган сўзлар «Юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- учинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;
- тўртинчи ва бешинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи ва тўртинчи хатбошиллар** деб ҳисоблансин;
- 35 ва 36-моддалар** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«35-модда. Ундирув қаратилган юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкасининг қийматини аниқлаш**

Юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкасига мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув қаратилганда ушбу ер участкасининг қиймати қонунга мувофиқ аниқланади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган,олиб қўйилаётган ер участкасининг баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланган қиймати юзасидан судда низолаштирилиши мумкин.

**36-модда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкасини жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш**

Юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкасини жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш:

фақат ер участкаси мулкдорининг ёзма розилиги олинганда амалга оширилади;

ер участкасининг мулкдори ҳамда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари номидан тенг шартлар асосида тузиладиган ер участкасининг олди-сотди шартномаси билан расмийлаштирилади;

башарти ер участкасининг шартнома қиймати давлат томонидан олдиндан тўланса, амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкасини жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олишга фақат қуйидаги мақсадларда йўл қўйилади:

муҳофаа ва давлат хавфсизлиги эҳтиёжлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни, эркин савдо зоналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун ерлар бериш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлари бажариш;

фойдали қазилмалар қонларини қидириш ва қазиб олиш (бундан кенг тарқалган фойдали қазилмалар қонлари мустасно);

республика аҳамиятига ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль ва темир йўллари, аэропортлари, аэродромлари, аэронавигация объектларини ҳамда авиатеҳника марказларини, темир йўл транспорти объектларини, кўприклар, метрополитенлар, туннеллари, энергетика ва алоқа тизимининг муҳандислик объектлари ҳамда тармоқларини, космик фаолият объектларини, магистрал қувурларни, муҳандислик-коммуникация тармоқларини, ирригация ва мелиорация тизимларини қуриш (реконструкция қилиш);

тасдиқланган аҳоли пунктлари бош режаларининг объектлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуришга оид қисмини бажариш;

давлат инвестиция дастурларида кўрсатилган давлат таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг бинолари ҳамда иншоотларини марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан қуришни назарда тутувчи лойиҳаларни амалга ошириш.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш фақат ер участкалари мулкдорлари билан қайта сотиб олишнинг шартнома нархи ва қайта сотиб олиш шартлари очик муҳокама қилинганидан кейин, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан мажбурий равишда келишилганидан кейин амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкасини қайта сотиб олиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни қуйидаги манбалар ҳисобидан қопланади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Омонова Нилуфар Жўрабек қизи — Самарқанд шаҳридаги «MIT IT academy» масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти
Темулов Анвар Ибодулло ўғли — Урганч туманидаги «Sam-Negin» масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти
Анваров Ойбек Тўлқинжонович — «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарки дирекцияси – IT Park» масъулияти чекланган жамиятининг Сирдарё вилояти филиали бошлиғи
Бўронова Дилсора Шарифжон қизи — Ховос туманидаги «Textile Fashion» масъулияти чекланган жамиятининг тикув цехи устаси, Сирдарё вилояти
Собирова Назоқат Рашид қизи — «Хунарманд» уюшмасининг Бойсун тумани бўлими аъзоси, Ғилмадўз, Сурхондарё вилояти
Хушбўқ Улуғбек Баҳром ўғли — Қизилқум туманидаги «Жануб тонги диёри» фермер ҳўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти
Махсимова Рисолат Қосимжон қизи — Паркент туманидаги 5-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси, Тошкент вилояти

Турсунбоева ЗухраБотир қизи — Бўстонлик туманидаги 17-болалар мусиқа ва санъат мактабининг академик хонандалик бўйича ўқитувчиси, Тошкент вилояти
Адхамбекова Шабнам Ёвсинзода — Сўх туманидаги «Happy kids academy» нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари, Фарғона вилояти
Ўбайдуллаева Зарнигор Ҳасанбой қизи — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Фарғона вилояти бошқармаси ахборот ва медиа хизмати бўйича мутахассиси
Аллаберганова Шаҳноза Аллаберган қизи — Урганч давлат университетининг 2-босқич талабаси, Хоразм вилояти
Маткаримов Раҳматжон Жуманазарович — Ҳазорасп туманидаги «Нур Муҳаммад Исломо обод» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти
РузмахамедоваХоджия Шоқир қизи — Олмазор туманидаги 102-заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг эшитиш гидроки фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри
Умурзаков Исломо Илхом ўғли — Тошкент шаҳридаги «Ёш макомчилар» ансамбли бадиий раҳбари
Абдиқаримов Канат Алимжанович — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг PR-маркази етакчи мутахассиси

Авазова Севинч Пулат қизи — Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 4-босқич талабаси
Амиров Элмурод Мансуриддин ўғли — Геология фанлари университетининг Геология ва геофизика институти минералогия лабораторияси бошлиғи
Бўтахонов Зиёдулла Зойиржон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги мутахассиси
Ғуломов Ахмаджон Шавкат ўғли — «Uzbekistan airways» акциядорлик жамиятининг Ушчулар хизмати департаменти А-320 хаво кемаси командири
Дадабоев Дилшод Абдужалил ўғли — Ижтимоий тармоқлардаги «Uzbekistan official» саҳифалари администратори, блогер
Евстафеев Евгений Александрович — И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали 4-босқич талабаси
Жалолиддинов ЖасурбекЖамшид ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси (U-23) сардори
Иминохонов Нуруддин Абдуқаҳҳорович — «ERAM Systems» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маҳсулотлар менежери
Нематзода Фирдавс Нематович — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Ёшлар академияси фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Норчаев Хусайн Тўракул ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси (U-23) аъзоси
Рзиев Бекзод Дилмуродович — «Боштранслэйв» акциядорлик жамиятининг меймор-курилиш бўлими лойиҳалар бош муҳандиси
Сафаров АкмалУмар ўғли — Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг ёш ижодкорлар билан ишлаш шўъбаси бош мутахассиси
Турғунбоев Шаҳзод Нодир ўғли — Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Жанубий Кореядаги вакили
Хасанова Ёқутхон Баходиржон қизи — М.Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат рақс ансамбли раққосаси
Ходжаева Шахло Муродовна — Америка Қўшма Штатларининг «Amazon» компанияси бизнес таҳлил бўйича муҳандиси
Эркинов Ҳожимат Ботир ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси (U-23) аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 29 июнь

«Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мухаммаджонов Хожиякбар Зафаржон ўғли — Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг 1-босқич магистранти (Анджон вилояти)
Кўшаев Шариф Эргашевич — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармасининг тезкор вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ мутахассиси (Бухоро вилояти)
Ражаббоев Лазизбек Зафаржонович — Қоракўл туманидаги Халқаро математика мактабининг 11-синф ўқувчиси (Бухоро вилояти)
Раҳматов Муроджон Абдусамат ўғли — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 3-босқич талабаси (Жиззах вилояти)
Рашидов Учқун Рўзимурод ўғли — Жиззах шаҳридаги «Eagle Consulting Invest» масъулияти чекланган жамияти директори (Жиззах вилояти)

Қобилов Жўрабек Мусурмон ўғли — Қашқадарё вилояти Факултада вазиятлар бошқармасининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими кўтарувчиси (Қашқадарё вилояти)
Раҳматов Анвар Раҳмат ўғли — Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг 4-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)
Бабаев Мирдоджон Шарофжон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Навоий бўлими таянч докторанти (Навоий вилояти)
Қурбонов Ойбек Мухаммадқуллович — Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университетининг кончилик факультети ўқитувчиси (Навоий вилояти)
Мамадалиев Комрон Улуғбек ўғли — Ўзбекистон давлат консерваториясининг 4-босқич талабаси (Наманган вилояти)
Мирзаюмидов Асилбек Шухратжонович — Наманган муҳандислик-технология институтининг технологик машина ва жихозлар кафедраси катта ўқитувчиси (Наманган вилояти)

Нурматов Аслиддин Фазлиддинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм гуруҳ командири ўринбосари (Самарқанд вилояти)
Самадов Азиз Илхомович — Самарқанд шаҳридаги «Secure Trucks» масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Самарқанд вилояти)
Мусирмонов Турсунмурод Баходир ўғли — Камолиддин Бекзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 4-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)
Хайитбоев Ёркинжон Урмонли ўғли — Гулистон давлат университетининг 2-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)
Абдурахмонов Абдумалик Абдуманов ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси (Сурхондарё вилояти)
Тожиёв Дилмурод Баходир ўғли — Тошкент давлат аграр университетининг 2-босқич магистранти (Сурхондарё вилояти)
Абдураимов Елнур Нурғалиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий хизматчиси (Тошкент вилояти)

Турдиев Алишер Ғулмон ўғли — Нурафшон шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг академик эшак ашиш бўйича мураббийси (Тошкент вилояти)
Исмоилов Улуғбек Илхомжон ўғли — Тошкент тиббиёт академиясининг 1-босқич магистранти (Фарғона вилояти)
Қаюмов Мухаммадлазиз Иброҳимжон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси(Фарғона вилояти)
Абдиқаримов Фахриддин Баҳром ўғли — Хоразм Маъмуни академиясининг таянч докторанти (Хоразм вилояти)
Сабилов Шаҳзод Қудрат ўғли — Урганч шаҳридаги «Data Union» масъулияти чекланган жамияти директори (Хоразм вилояти)
Жамолов Азимжон Равшан ўғли — Тошкент шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Тошкент шаҳри)
Стеценко Никита Андреевич — Ўзбекистон давлат консерваториясининг 4-босқич талабаси (Тошкент шаҳри)

ЯНГИ ТИЗИМ НАВҚИРОН АВЛОДГА ЭЛ-ЮРТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ВА КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БАХШ ЭТМОҚДА

Хозирги кунда бир вақтлардагидек ёшлар масаласида жарангдор широлар билан эмас, бевосита уларнинг ўзи билан ишланмоқда. Юртимиздаги ҳар бир маҳаллага тенгдошларининг дарду ташвишларини яхши биладиган, уларнинг тилини тушунадиган ёш ва интилувчан кадрлардан саралаб олинган Ёшлар етакчиси тайинланди. Улар орқали маҳалладаги йигит-қизларнинг муаммолари тўрт босқичда — маҳалла, туман, ҳудуд, республика даражасида ўрганилиб, самарали ҳал қилинмоқда.



одамийлик, саховат дафтари» дейишимиз ҳам мумкин.
Жумладан, «аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак берилмоқда. Шунингдек, «темир дафтар» доирасида ҳам бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, унга киритилган 613,9 минг оила аъзолари бандлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли чоралар натижасида 582,9 минг оила мазкур дафтардан чиқарилди.
Шунингдек, ёш хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, гендер тенглик ва улар бандлигини таъминлаш мақсадида «Қизлар овози» платформаси ва клуби очилди.

Навқирон авлоднинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун «ёшлар дафтари» ва Ёшлар дастури асосида қатор чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этиляпти. Жорий йил бошидаги хатлов ва ўрганишлар натижасида «ёшлар дафтари»га 182 минг 620 нафар ёш киритилди. Касб-хунар ўргатиш, имтиёзли кредитлар, ер майдонлари ва субсидиялар ажратиш ҳамда ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлаш натижасида 2022 йил бошидан буён 135 минг 470 нафар ёшга ёрдам кўрсатилди. Имконияти чекланган ва тиббий ёрдамга муҳтож йигит-қизлар назоратга олинди, уларга ҳар томонлама кўмаклашляпти.

Бундан ташқари, «ёшларнинг мазмуни ташкил этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Шунга монанд тарзда жорий йилда ҳар бир маҳаллада китобхонлик, маданият ва санъат, интеллектуал ўйинлар, ахборот технологиялари ҳамда спорт турлари бўйича кенг қўламли «Беш ташаббус олимпиадаси» ўтказилиб, мусобақаларда 6,2 миллион ёш қамраб олинди.

«Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида футбол, мини-футбол, волейбол, енгил атлетика, стритбол, шахмат ва шашка, стол тенниси ва «Street workout» турлари

Аҳолисининг ярмидан кўپини ёш авлод ташкил этадиган мамлакатда уларга қаратиладиган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар ҳам шунга яраша бўлиши керак, албатта. Ёшлардан эса фақат пухта билим эгаллаш, навқирон паллада ўз ҳаёт йўлини тўғри белгилаб олиш, Ватанимизнинг эртанги кунига дахлдорлик ҳиссини унутмаслик талаб қилинади.
Президентимиз таъбири билан айтганда, бугун Ватанимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улкан марраларни ўз олдимиизга қўйганмиз. Бундай юксак мақсад йўлида ёшлар мамлакатнинг мустақам таянчи, учар қанотлари бўлиши зарур.

«Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида футбол, мини-футбол, волейбол, енгил атлетика, стритбол, шахмат ва шашка, стол тенниси ва «Street workout» турлари

«Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида футбол, мини-футбол, волейбол, енгил атлетика, стритбол, шахмат ва шашка, стол тенниси ва «Street workout» турлари

Алишер САЪДУЛЛАЕВ, Ёшлар ишлари агентлиги директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Дунё нигоҳи

«ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР УЧУН ЧЕКСИЗ ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИГА АЙЛАНМОҚДА»

Ёшлар — миллатнинг суяни тоғи, келажакнинг ишончли ворислари. Навқирон авлоднинг билим даражаси, дунёқараши, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб ўша мамлакатнинг эртанги кунини тасаввур қилиш мумкин.
Шу боис Ўзбекистонда ёшларни ҳар томонлама камолга етказиш, уларнинг билим олиши, касб-хунар ўрганиши, иқтидорини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу хорижийлик соҳа вакиллари, ёшларда катта қизиқиш уйғотаётир.



Холис Юнус ЭРСЎЗ, Ёшлар ва спорт вазирининг ўринбосари (Туркия):

— Ёшлик — билак тўла куч, юрак тўла шижоат, онг тўла гоғлар фасли. Ташаббускор, мустақил фикрловчи, кенг дунёқараши ва чуқур билимга эга йигит-қизлар ҳар қачон ва ҳар қаерда ҳам зарур кадр саналади. Ёшларнинг жўшқинлиги, шижоати мамлакат тараққиётида бекиёс кучдир. Ўзбекистонда айнан

Жасулан БИСЕМБИЕВ, Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази бошқаруви раисининг ўринбосари (Козогистон):



— Ўзбекистон ёшлар учун чексиз имкониятлар мамлакатига айланмоқда. Ёшларга оид давлат сиёсати аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда босқичма-босқич, комплекс чора-тадбирларга асосланган ҳолда изчил давом этирилмоқда.

Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги саъй-ҳаракатларни тизимли асосда йўлга қўйиш бўйича беш муҳим ташаббус Ўзбекистон тарихида ёшлар каманията муносиб ўрин эгаллаши ва ўз салоҳиятини намоён қилиши учун барча шарт-шароит мўҳайё. Навқирон авлоднинг ҳуқуқлари қонун билан кафолатланган. Ёшлар парламенти, Ёшлар ишлари агентлиги фаолият кўрсатаётгани, бу ташкилотлар орқали йигит-қизлар ҳаётда ўз ўрнини, йўлини топаётгани, келажакка бўлган ишонч ортаётгани юқоридаги сўзимиз далилидир.

Интиқом ЯШАР, Дунё ёш турк ёзувчилари уюшмаси раҳбари (Озарбайжон):



— Бугунги ҳаёт суръатлари кўз илғамас даражада шиддат билан ҳаракатланаётган замонда чинкама маънавиятли ва маърифатли одамгина ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мамлакатининг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин. Бу ҳақиқатни теран англаган ҳолда ёшларга — эртанги кун эгалари сифатидаги масъулиятини англашмоқ муқаддас бурч бўлиши даркор.

Ўзбекистон йигит-қизлари учун таълим олиш борасидаги ишларнинг йилдан-йилга кенгайиб, имкониятларнинг ошаётгани юқоридаги фикрларга жавоб десак, янгилашмаган бўламиз. Дейлик, бугун мамлакатда хотин-қизлар чуқур билим эгаллаш борасида беқиёс қулайликларга эга. Олий ўқув юр்தларининг бақалар ҳамда магистрлик босқичларида таълим олиши учун имтиёзлар берилган. Нега айнан қизларга? Чунки улар, аввало, бўлғуси онадир, она эса бутун бир миллатни воёяга етказиши. Она қанчалик доно бўлса, фарзандлар ҳам шунчалик баркамол улғайди.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МАЗМУН-МОҲИЯТИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИККА ЕТКАЗИЛМОҚДА

Учрашувда мамлакатимизда конституциявий ислохотлар ўз вақтида бўлаётганлиги ва ушбу ислохотлар халқимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётганлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, Президентимизнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда илгари сурилган таклифлар ва ғоялар жамоатчилик томонидан жуда кўтаринкилик билан қабул қилинганлиги айтиб ўтилди.

Учрашувда давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қиммати янада самарали таъминлаш каби мақсадлар мамлакатимиздаги туб ислохотларга мос янги конституциявий ҳуқуқий маконни яратиш заруратини юзага келтирганини таъкидлади.

Шунингдек, қонун лойиҳаси билан Конституцияга киритилиши таклиф этилаётган ҳуқуқий нормалар халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун муштажам ҳуқуқий пойдевор бўлишини бир қатор ҳаётини мисоллар билан тушунтириб берди.

Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университетида ҳам Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятига бағишланган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Н. Исмоилов маъруза қилиб, Янги Ўзбекистоннинг тараққий стратегиясида белгиланган устувор вазибалар, ҳалқпарвар

ролар томонидан яқдиллик билан маъқулланди. Фуқаролар билан ўтазилган учрашув ҳамда мулоқотлар якунида маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вилоятдаги сиёсий партиялар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, олий таълим муассасалари ректорлари ва бошқалар Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасини куйи бўғинда ҳам уюшқоқлик билан ташкил қилиш, қонун лойиҳасига киритилаётган янги нормаларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишни асосий вазифа қилиб белгилаб олди.

Муҳокамалар жараёнида иштирокчилар Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар бўйича ўз фикр ва таклифларини билдирди.

«Халқ сўзи».

## Сенатор ва ҳаёт

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛМОҚДА

Авал хабар берилганидек, шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари жойларда бўлиб, конституциявий ислохотлар зарурати, унинг аҳамияти ва янгиланишлар жараёнидаги ўрни ҳақида тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалар қўмитаси раиси Эркин Гадовев Навоий вилоятининг туман ва шаҳарларида қонун тарғиботини амалга оширмоқда. Хусусан, куни кеча сенатор вилоятнинг Хатирчи, Нурота ва Қизилтепа туманларида маҳаллий Кенгашлар депутатлари, котибиятлари аъзолари, ҳокимликлар ходимлари, маҳаллалар фаоллари, ёшлар, тадбиркор аёллар билан учрашувларда қўзилган асосий мақсад хусусида атрофчилик тўхтади.

Сенатор ўз сўзида, айниқса, янги тахрирдаги Конституцияга таклиф этилаётган мулкни давлат тасарруфидан

чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини қайта қўриб чиқмаслик ва бекор қилмаслик, тадбиркорлар қончилигида тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга, чекланмаган миқдорда даромад олишга ҳақли экани ҳамда давлат томонидан хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун эркин ва ҳалол рақобат ҳимоя қилиниши, иқтисодий фаолиятда монополаштиришга йўл қўйилмаслигини кафолатлаш сингари масалалар моҳиятига кенг урғу қаратди.

Олий Мажлис Сенатининг Муҳофаза ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Толибжон Мадумаров Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод ва Қўқдала туман

ларида бўлиб, йиғилганларга конституциявий ислохотлар хусусида батафсил маълумот берди.

Ўз навбатида, сенатор лойиҳада Асосий Қонуннинг 64 та моддасига 200 дан ортиқ ўзгаришлар киритиш ҳамда 16 та нормани ўз ичига олган 6 та янги модда (прим-моддалар) қўшиб таклиф этилаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Учрашувларда, шунингдек, иштирокчилар томонидан билдирилган таклифлар чуқур муҳокама қилинди.

Шу ўринда айтиш жоизки, бу каби учрашувлар жараёнида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти тушунтирилишидан ташқари, юрtdошларимизнинг шу бўйича таклифлари ҳам олинмоқда.

«Халқ сўзи».

# Сенат қўмитасида ЗАРУР МОСЛАМА ВА ВОСИТАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАС

Куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида тиббий-ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари юзасидан Тиббий-ижтимоий хизматлари ривожлантириш агентлиги директорининг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, соҳада кенг қўламли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Бу борада, шубҳасиз, қатор ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Қонун ана шулар жумласидандир.

Жорий йилнинг 5 оyi давмида туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматлари ривожлантириш бўлимлари томонидан 18,5 миң нафар ёлғиз ҳамда ёлғиз яшайдиган кекса ва ногиронлиги бўлган шахслар рўйхати олинган. Шундан 4,1 миң нафари ўзгалар қўмағига муҳтож шахслардир. Эътиборлиси, уларнинг ҳаммаси хар ой бепул 19 турдаги махсусотлар билан таъминланиб келяпти. Айни чоғда 18 миң 562 нафар ёлғиз яшайдиган кекса ва ногиронлиги бўлган шахслар ўз уйда 2 миң 242 нафар ҳодим томонидан ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишган.

фар ана шундай юрtdошимиз санломатлигини тиклаш имконидан фойдаланди.

Тадбирда сенаторлар томонидан шу каби ютуқлар эътироф этилгани ҳолда, ўз ечимини қутаётган муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Масалан, беморларни махсус назоратга олиш, ногиронлики белгиланган соғломлаштириш ишларини тўғри ва самарали ташкил қилиш жараёни билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд. Касалликларни эрта аниқлаш, даволлаш ва реабилитация ишлари лозим даражада олиб борилмаётгани тўғрисида аниқ кўриниб турган беморларнинг тегишли ҳужжатларини тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида кеч юбориш ёки умуман обдормаслик ҳолатлари ҳам кузатилаётган.

Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари фаолиятида ҳам қонунбузилиш ҳолатлари ва бошқа камчиликлар аниқланган. Протез-ортопедия мосламалари, реабилитация қилишнинг техник олинганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Шунингдек, уруш ва меҳнат фаририлари учун республика пансионатида маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш учун 4,9 млрд. сўмлик янги бино қурилди ҳамда яқин ҳудудда кексалар учун барча шaroит яратилган «Нуронийлар боғи» ташкил этилди.

Яна бир маълумот: 2021 йил якуни бўйича 46 миңдан зиёд пенсионер ва ногиронлиги борлар, уруш ва меҳнат fronti фаририлари санатор соғломлаштирилган бўлса, 2022 йилнинг ўтган 5 оyi давмида 19 миң 740 на-

«Халқ сўзи».

# ҚўРИҚЛАШ ФАОЛИЯТИ ЯНГИ МЕХАНИЗМ АСОСИДА ТАРТИБГА СОЛИНДИ

Яқинда «Қўриқлаш фаолияти тўғрисида»ги Қонун Президентимиз томонидан имзоланди. Мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасида янги қўриқлаш сиёсати, қўриқлаш фаолиятининг асосий принциплари, ташкилий ва ҳуқуқий асослари, қўриқлаш фаолияти субъектларининг мажбуриятлари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги белгиланди, жисмоний ва юридик шахсларга қўриқлаш хизматини кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш механизми яратилди.

## Янги Қонун

Шунингдек, мулк дахлсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий механизм тўлиқ асосланди. Эндкида, хар бир жисмоний ва юридик шахс ўзининг шахсий дахлсизлигини, мулк дахлсизлигини таъминлаш мақсадида қўриқлаш билан шуғулланмаган субъектларга мурожаат қилиши мумкин бўлади.

Япония, Германия, Франция, Швеция, Литва, Латвия, Эстония, Россия Федерацияси ва бошқа давлатларнинг қўриқлаш соҳасидаги қонунчиликни ўрганилди, ижобий томонлари қонун нормаларига сингдирилди.

Хусусан, қўриқлашни амалга оширувчи субъектларнинг ҳарбий хизматчилари, ходимлари ва ишчилари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалари ва хизмат қуролини қўллаш шартлари аниқ белгилаб берилди. Ҳомилдорлик белгилари сезилмаган турган аёлларга, ногиронлиги борлиги кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ белгиланган турган ёки маълум бўлган воёга етмаганларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва хизмат қуролини қўллаш қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар сифатида белгиланди.

Қонун билан қўриқлаш соҳасидаги давлат сиёсати Миллий гвардия томонидан амалга оширилиши муштажамланди. Эътиборли жиҳати шундаки, бундай фаолият билан нафақат Миллий гвардия, балки бошқа давлат органларининг қўриқлаш бўлимлари ҳамда ташкилотларнинг идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлимлари ва идоравий қоровуллик бўлимлари қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар сифатида белгиланди.

Шу билан бирга, жамиятимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, мамлакатимизнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мазкур қонун билан Ўзбекистонда алоҳида жисмоний шахслар, хусусий қўриқлаш қорхоналари, хусусан, чет эл қўриқлаш қорхоналари қўриқлаш фаолиятини олиб бориш ман этилмоқда.

Бундан ташқари, қўриқлаш фаолияти билан шуғулланувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимояси масаласи алоҳида оғиб берилди. Қўриқлаш фаолияти билан шуғулланувчи субъектларнинг ишчилари, ходимлари ва ҳарбий хизматчиларига қўйиладиган талаблар ҳам аниқлаштирилди.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда қўриқлаш жараёнида инсон ҳуқуқларининг таъминлигини билан боғлиқ бир қатор халқро ҳуқуқий ҳужжатлар (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт) таҳлил қилинди ҳамда ҳорижий мамлакатлар, хусусан, АҚШ,

Мухтасар айтганда, парламентимиз вакиллари ҳалқ вакиллари, ҳалқ томонидан сайланган, шунинг учун эътироф этиш жоизки, янча манбаи ва муаллифи — халқимиз бўлган Асосий Қонунимиз том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси бўлиб қолиши зарур. Шу боис Президентимиз комиссия таклифи асосида парламент томонидан ишлаб чиқилган лойиҳани умумхалқ муҳокамасида қўриб чиқишни ҳамда референдум ўтказиш йўли билан қабул қилишни таклиф этди. Ушбу фикрни тўлиқ қўллаб-қувватлаш мақсада мувофиқ.

«Халқ сўзи».

## Мулоқот

# ЮРТДОШЛАРИМИЗ МУАММОЛАРИ, ТАЛАБЛАРИ ВА МУЛОҲАЗАЛАРИ ТИНГЛАНДИ

Ҳаёт давом этар экан, инсон бор экан, мурожаатлар бўлиши табиий ва давлатимиз раҳбари асос солган халқ билан мулоқот тизими боис қўллаб инсонларни анча вақтдан буён йўналтириб келаётган масалаларга ечим топилмоқда.

Яқинда Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Н. Умаров фуқаролар қабулини ўтказди.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида» Қонун нормалари асосида ташкил этилган қабул жараёнида 50 дан ортиқ юрtdошларимизнинг муаммо, талаб ва истаклари, фикр-мулоҳазалари тингланган.

Қабул давомида 15 нафарга яқин фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар, муаммолар ечими юзасидан йўналишлар берилди. 35 нафарнинг мурожаатлари расмийлаштирилди ва назоратга олинди.

Мурожаатларнинг асосий қисмини маҳаллалардаги фуқаролар йиғини раиси (оқоқолий) сайлов натижалари, уй-жай, моддий ёрдам, даволаниш, ишдан асоссиз равишда бўшатилганлик, ер ажратиш жараёнига оид муаммолар ҳамда суд-ҳуқуқ тизими билан боғлиқ бошқа масалалар ташкил этди.

Сенатор томонидан мурожаатларни тўлиқ ўрганиб чиқиш, натижаси бўйича қонуний қарор қабул қилиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар, ҳудудлар масъулларига кўрсатмалар берилди.

Қабул чоғида икки нафар фуқаро илгари йўллаган мурожаати ижобий ҳал этилгани учун давлатимизга миннатдорлик билдирди.

«Халқ сўзи».

## Депутатлар — ҳудудларда

# АҲОЛИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР ЖАРАЁНИДА ФАОЛ

Мамлакатимизда шу йил 25 июндан 5 июлга қадар «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан, жойларда кенг жамоатчилик иштирокида қизгин муҳокама ва сўхбатлар ташкил этиляпти.

Тошкент вилояти ҳокимлигида ҳам «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ўтказилмоқда.

Ташкиланишича, қонун лойиҳаси Бош қўмушимизнинг 64 та моддасига 200 дан ортиқ ўзгаришлар киритишни назарда тутди. Бундан ташқари, 6 та янги модда билан 16 та янги норма киритилмоқда.

Жумладан, пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг бошқа турлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан кам бўлиши мумкин эмаслиги аниқ кўрсатилмоқда. Ҳомилдорлиги ёки ёш боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, уларнинг иш ҳақини камайтиришнинг тақиқланиши, болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларида фойдаланиш қонунга биноан жоғбарликка сабаб бўлиши Конституцияда белгиланиб қўйилаётгани айтиб ўтилди.

Шунингдек, никоҳ аёл ва эркакнинг ихтиёрий розилиги, тенг ҳуқуқлилиги асосланиши, болаларнинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун барча шароитни яратиш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши экани конституциявий муштажамланиши айтиб ўтилди.

Мулоқотда барча соҳа мутахассислари томонидан жойларда аҳоли билан бўлаётган сўхбатларда зарур таклифлар ўрганилиши, тармоқлар ривож учун асос бўладиган ташаббуслар ишлаб чиқи-

лиши зарурлиги айтиб ўтилди. Катнашчиларнинг Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалари ва таклифлари ёзиб олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Эркин Солихонев ҳудуддаги учрашувлари, мулоқотлари савол-жавоблар ва таклифларга боб кечмоқда. Мазкур жараёнда депутат аҳолига Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини етказишга алоҳида эътибор бермоқда.

Хусусан, депутат Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ходимлари билан учрашиб, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси ҳақида батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, Конституциявий қонун лойиҳаси Конституцияимизнинг 64 та моддасига 200 дан ортиқ тузатишларни назарда тутмоқда. Конституцияга ўзгаришлар «Инсон — жамият — давлат» принципига асосланган бўлиб, миллий конституциявий ўзликини акс эттирадиган амалдаги Конституцияимизнинг барча бўлимларига тўра ўзгаришлар киритилади.

Шунингдек, конституциявий тузатишлар, авваломбор, жамиятнинг турли ижтимоий қатламларига мансуб бўлган фуқароларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлашга, химоя қилишга қаратилган тўғридан-тўғри ишлайдиган нормаларга айланади.

«Халқ сўзи».

# КОНСТИТУЦИЯ — ХАЛҚ ИРОДАСИНING ИФОДАСИ

Бугун жамиятимизда фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечирishi, уларнинг бунёдкорлик ва ижодкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шaroитлар яратилмоқда. Бун қўзимиз билан қўриб, пувоҳи бўляпмиз. Муҳими, бағрикенг ва маърифатпарвар халқимизнинг дунёқараши сезиларли равишда ўзгарди.

## Нуктаи назар

Мамлакатимиз Конституцияси ислохотларимизнинг ҳуқуқий пойдевори сифатида барчамизга йўл кўрсатиб, мустакиллик йилларида ўзининг бирлаштирувчи, эргаштирувчи, илҳомлантирувчи, химоя қилувчи каби қатор вақтларнинг ҳозирга қадар бажариб келаяпти.

Конституцияимизда «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъулдирлар» деб муштажамланган. Шу маънода, «хар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда қўриб чиқиши шарт» деган нормаларнинг муштажамлангани мамлакатимизнинг ҳақиқатан ҳам халқпарвар давлат эканлигини исботлайди.

Давлатимизнинг Асосий Қонунини давлат ва инсон ўртасидаги ушбу алоқдорлик ўзаро мантиқийликка таянганлиги таъминлаб беради. Янги давлат органлари ва мансабдор шахслар инсон ҳамда фуқаролар ол-

дида ҳисобдорлар. Ушбу алоқдорликни охириги пайтларда давлат органлари ва давлат хизматчиларининг «халқ билан мулоқоти» янада тўндиришга хизмат қилди.

Президентимиз «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — хар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қондаси бўлиши керак» номили асарига «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишда фуқароларнинг қонуний мурожаатларини қисқа муддатда синчилаб қўриб чиқиш, ҳал қилиши таъминлаш, бу борада рақамлар ва силлиқ ҳисоботларнинг орсидан қувиб, навбатдаги кампаньибозлиқни уюштириш керак эмаслигини таъкидлаган эди.

Олиб боришган чора-тадбирлар натижасида давлат-институционал тузилма ташкил топди: Халқ қабулхоналари пайдо бўлди. Улар тўғрисидаги низоомлар тасдиқланди. Фаолият легитимлашди. Давлат органлари билан аҳоли ўртасида оқиқ мулоқотни йўлга қўйиш, долларб муаммоларни аниқлаш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мурожаатларнинг қўриб чиқишлигини таъминлашда ўзига хос самарали механизмга айланади.

Хўш, бу борада хорижий таҳриба қандай?

Таҳлилларга кўра, Германия, Буюк Британия ва Австралида давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи, асосан, назорат ва назоратнинг давлат (парламент ёки қонунчилик) функцияларининг бир қисми сифатида тушунилади. Бу фуқароларнинг мурожаатлари ва шикоятлари тақдим этиладиган давлат органи — парламентдан ёки қонун чиқарувчи органлар нуктаи назаридан тушунилади.

Америка Қўшма Штатларида мурожаат қилиш ҳуқуқи фақат штатлардан шикоят ва шикоятларни қабул қилишни талаб қилади, аммо уларга жавоб беришни талаб қилмайди. Худди шундай таҳрибаларни Ҳиндустон, Туркия, Япония каби давлатлар амалиётини ҳам кузатиш мумкин.

Корея Республикасида фуқароларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш устидан онлайн назорат тизими — ОРЕХ шахар маъмурияти фаолиятида шаффоқликка эришиш учун фуқароларнинг ишларини мансабдор шахслар томонидан ортиқча кечикиши билан адолатсиз қўриб чиқишлигининг олдини олиш орқали яратилган.

Қўллаб давлатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам шикоят қилиш ҳуқуқи маълум бир ҳоимият тармоғи билан боғлиқ эмас ва аънанавий, барқарор функцияларга эга эмас.

Мурожаатлар билан боғлиқ масала хусусида сўз кетганда, асосий эътибор тизим фаолиятининг очкиллиги ва шаффоқлигига бориб тақалади.



Рақамларга тўхталадиган бўлсақ, 2017 — 2021 йиллар давомида Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига 5 миллион 780 миңдан зиёд мурожаатлар келиб тушган. Шундан 3 миллион 288 миңдан кўпи қаноатлантирилган. Мурожаатларнинг қаноатлантириш даражаси йил сайин ошиб бормоқда.

Таҳлиллар хорижийнинг илгор соҳавий таҳрибидан келиб чиқиб, мамлакатимизда «Халқ қабулхоналари» конституциявий норма даражасида ўз аксини топмагани, фаолият қўлами, бажараётган мақсад ва вазифасига кўра, ушбу институционал тузилмани Асосий Қонунда нормалаш зарур, деган хулосага олиб келди. Zero, «Халқ қабулхоналари» ижтимоий институт макони даврдан ўтиб бўлди.

Мазкур институт Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-моддаси иккинчи қисми сифатида «Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари фуқароларнинг муро-

жаатлари самарали қўриб чиқишлигини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини халқ билан мулоқотини бевосита ўзи ва Халқ қабулхоналари орқали амалга оширади. Фуқаролар мурожаатлари юзасидан Халқ қабулхоналарининг қўриқлаш бўлими билан мурожаат қилиш зарур, деган хулосага олиб келди. Zero, «Халқ қабулхоналари» ижтимоий институт макони даврдан ўтиб бўлди.

Мухтасар айтганда, парламентимиз вакиллари ҳалқ вакиллари, ҳалқ томонидан сайланган, шунинг учун эътироф этиш жоизки, янча манбаи ва муаллифи — халқимиз бўлган Асосий Қонунимиз том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси бўлиб қолиши зарур. Шу боис Президентимиз комиссия таклифи асосида парламент томонидан ишлаб чиқилган лойиҳани умумхалқ муҳокамасида қўриб чиқишни ҳамда референдум ўтказиш йўли билан қабул қилишни таклиф этди. Ушбу фикрни тўлиқ қўллаб-қувватлаш мақсада мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг хар бир фуқароси гурур ва ифтихор билан «Янги Ўзбекистон Конституцияси — менин Конституциям» деб айта олиши учун замин яратилмоқда ҳамда «Инсон — жамият — давлат» парадигмасига асосланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққий стратегияси халқимизни янада бирлаштирмақда, жиқлаштирмақда.

Мурод ТУРҒУНОВ,  
ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институтини директори, юридик фанлар доктори.

НОДИРА ЖОНИБЕКОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Хориждаги ватандошлар:

# ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР ЗАМИРИДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ КАБИ ЭЗГУ НИЯТЛАР МУЖАССАМ

Шахзод ТОҲИРОВ, Беркли университети профессори (АҚШ, Калифорния):



айнан шу қўшимчалар сабабли ҳам конституциявий ислохотлар ўтказиш зарурати мавжуд.

Шу ўринда, Асосий Қонунимиз лойиҳасидаги инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи сўзсиз энг олий қадриятлардир. Мамлакат ривожланиши учун фақатгина иқтисодий ислохотлар етарли эмаслигини ривожланган давлатлар, жумладан, АҚШ мисолида кўриб туришимиз.

Ўзбекистоннинг тараққиёт жараёнида инсон ҳуқуқлари масаласи бундан асосий бўлиши керак. Конституция халқ билан ҳукумат ўртасидаги консенсус асосидаги келишув ҳужжати бўлиб, мазкур қонун ижодкорлигида барчани фаол қатнашишига ҳаққон.

Конституция халқ билан ҳукумат ўртасидаги консенсус асосидаги келишув ҳужжати бўлиб, мазкур қонун ижодкорлигида барчани фаол қатнашишига ҳаққон.

Ўзбекистон Президенти томонидан янги Конституция лойиҳаси бўйича илгари сурилган тақлифлар билан танишиб чиқар эканман, беихтиёр шуни ҳис қилдимки,

Фаррух КУШНАЗАРОВ, "Алибаба Групп" компанияси ходими (Хитой):

— Давлатимиз раҳбарининг 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувида Асосий Қонунга ўзгариш киритиш бўйича билдирган тақлифлари билан батафсил танишиб чиқдим. Ушбу тақлифлар қонун лойиҳасидан ўрин олгани мени жуда хурсанд қилди.



Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти учун қўлай шaroитлар яратилмоқда. Бу мамлакатимиз тадбиркорларига ҳар қандай йўналишда бизнес юритиш, ўз даромадларини ошириш имкониятини бермоқда.

Давлат ҳусусий бизнес ва умуман, иқтисодийни ривожлантириш учун технологик ва инвестиция шарoитларини таъминлаш бўйича кенг чораларни амалга оширяпти. Ушбу ислохотлар чөл элдан инвестицияларини қилиб келишини ҳам рағбатлантиряпти.

Давлатимиз раҳбарининг "Бош қомусимизда ҳусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий қарорларни қўлай қилиш, ўз даромадларини ошириш имкониятини бермоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар замирида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини юксалтириш ҳамда мамлакатнинг барқарор тараққиётига замин яратаяпти, деб ўйлайман.

Камола СОТИБОЛДИЕВА, Жомия Миллия Исламия университети аспиранти (Ҳиндистон):



яни ривожлантириш каби ислохотлар ёрқин келажак учун қўлайлашган муҳим қадамдир.

Маълумки, ҳозирги кунда Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида ўтмоқда. Қонун лойиҳасига кўра, Бош қомусимизнинг 64 та моддасига 200 дан ортиқ ўзгаришлар киритиш назарда тутилмоқда. Бу тақлиф ва ўзгаришларнинг кенг қўлами кундалик ҳаётимиз, мамлакатимизнинг келажиги билан боғлиқ барча энг долзарб жиҳатларни қамраб олганидан дарак беради.

Қолаверса, ушбу конституциявий ислохотларнинг кенг омма муҳокамасига қўйилиши ва халқнинг хоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда референдум орқали қабул қилиниши тақлиф этилгани ҳар бир Ўзбекистон фуқаросини Ватан олдидagi бурч ва мажбуриятларига бефарқ бўлмасликка чорлайди.

Бугунги кунда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларни юртимиз тараққиётида муҳим ўрин тутувчи тарихий жараён деб ҳисоблайман ҳамда бу жараёнлар фарзандларимиз келажакда учун муштаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилишига ишонаман.

«Дунё» АА.



# ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ РИВОЖИДА ДУНЁ ДАРАЖАСИГА ЧИҚА ОЛАДИ

Жаҳон савдо ташкилоти таҳминларига кўра, 2030 йилга бориб ҳар йили 1,8 миллиард киши сайёҳатга чиқар экан. Демак, келажакда сайёҳлик кундалик ҳаёт тарзига айланиб боради. Ва туризм иқтисодиётнинг асосий йўналишларидан бирига айланади. Сайёҳлик — иқтисодий тараққиёт драйвери, ҳаракатлантирувчи кучи, у янги иш ўринлари яратиш баробарида ижтимоий ривожланишга ҳам эъ бўлади. У қўллаб қишлар ва соҳаларни ўз ичига олувчи ижобий циклдир. Туризм хизмат кўрсатишга асосланган иқтисодиётни яратиш ва ривожлантиришни рағбатлантиради.

## Нуктаи назар

Нуктаи назар

Шу боис бугунги кунда аксарият мамлакатларда бутун сайёҳат-қаратилар чет элик сайёҳларни жалб этишга қаратилмоқда. Бу пул оқимини оширишда гоёт самаралидир.

2022 йилда Ўзбекистонда ҳам 10 миллиондан зиёд хорижий ва маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш, туризм хизматлари экспортини бир неча баробар ошириш мақсад қилинган. Бу борада энг катта манба, аввало, зиёрат туризмидир.

Юртимизда ислом динига оид қўллаб қиришлар, ҳудудийлик, буддавийлик ёдрорликлари бор. Шу боис Европа мамлакатлари, Малайзия, Индонезия, Покистон, Таиланд, Япония каби давлатлар билан авиакатновларни босқичма-босқич тиклаш, янги рейсларни йўлга қўйиш ишлари олиб боришмоқда.

Аmmo соҳада ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп. Уларни ҳал қилиш борасида илмий ва амалий тақлифларни илгари суриш ҳамда ҳаётда қўллаш талаб этилади.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 26 апрель куни туризм хизматлари қўламини кенгайтириш ва инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилишида бу борада жўяли тақлиф ва ташаббуслар илгари суриди.

Гап шундаки, дунёда пандемия пайтида ўрнатилган чекловлар биринчи-кетин камаяётгани тубайли туризм индустрияси тикланипти. Жорий йил биринчи чорада юртимизга хориждан 610 миң нафар ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2 баравардан зиёд туристлар келган. Кейинги ойларида янада кўп туристлар келиши кутилмоқда.

Шундай экан, туризм инфратузилмасининг бунга тайёрилик даражаси қандай? Тармоқ катта миқдордаги меҳмонларни қабул қила оладими?

Таассуфки, зиёрат туризмиди тарбиёт ва илмий ёндашув етишмади. Ваҳоланки, Ўзбекистоннинг чет эллардаги элчихоналари билан бирга бу борадаги ишларни кенгайтириш бўлади. Ҳудудларда ҳали етарлича ўрганилмаган, сайёҳлар жалб этилмаган қадамжолар кўп.

Айниқса, буюк олими Абу Мансур Мотуридий макбараси ва унинг яқинида дафн этилган буюк уламолар қадимки дунёда 170 миллиондан зиёд издошлари бўлган мотуридий таълимнинг зиёрат марказига айлантириш мумкин. Туризм инфратузилмасини яхшилаш, биринчидан, маҳаллий раҳбарларнинг салоҳияти ва истагига боғлиқ. Афсуски, ханузгача Қорақалпоғистон, Андижон ва Қашқадарёда меҳмонхона ўринлари етишмади. Навоий, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида катта имкониятлардан фойдаланилмапти. Ёшларга мос туристик хизматлар жуда кам. Олдин кўп гапирилганига қарамай, "Оилавий" ва "барчаси ичида" хизматларни жорий қилиш ишлари суст.

Иккинчидан, юртимизда термал ва минерал суви 206 та булоқ мавжуд. Бирок уларнинг 18 тасидан фойдаланилмоқда, холос. Мисол учун, Қамчиқ дөвонида жойлашган Аршан кўллари сувининг ҳарорати кўшин-ёзин 36 даража иссиқликда бўлиб, хорижий курортлардан қўлишмайди. Еки Чимбой, Қоразўк ва Тактақўйрида ер остидан 40 — 70 даража иссиқликда чиқадиган термал булоқлар атрофида санатория-курортлар ташкил қилиш мумкин.

Учинчидан, сайёҳларни жалб этишда юртимиздаги 122 та музей салоҳиятидан ҳам фойдаланилмапти. Уларда 2 миллион 500 миңдан ортиқ ашёлар бўлиб, шундан 112 миңтаси жаҳон тарихи ва маданияти учун ҳам ноёб ҳисобланади. Шу каби имкониятларни ишга солиб, туризм соҳасида пандемиягача бўлган кўрсаткичларни тиклаш, хизматлар қўламини кенгайтириш чора-тадбирларини кўра олсак, тармоқ гуржираб ривожланишига шубҳа қолмайди.

Яна бир мулоҳаза. Аввало, ҳар бир вилоятда туристларни ўзига охарабодай жалб қиладиган йирик лойиҳаларни амалга ошириш зарур. Масалан, Намангандаги "Афсоналар водийси", Бўстонликдаги "Амирсой" мажмуаларига кунига минглаб хорижий ва маҳаллий туристлар боради. Хорижий инвесторлар иштирокида Хонободда яна бир шундай лойиҳа бошланган. Озгина излансак, юртимизда кишини ўзига тортадиган масканлар бисёр. Оилалик, Бойсунда дунёдаги энг чуқур горлардан бири ҳисобланган Бойбулоқ, неандертал одам қолдиги топилаган Тешиктош горлари, қадимий эллин маданияти ёдрорлиги бўлмиш Узундара қалъаси бор. Тузманинг табиати, иқлими ҳам зўр. У ерда меҳмонхона, кемпинг, "дор йўли", туристлар уйлари барпо этиш орқали 500 миң сайёҳни жалб қилиш имконияти бор. Бўстонликдаги Товоқсой, Охангарондаги Овжасой, Ангрэндаги Янгиобод, Шахрисабздаги Мирраки, Янгиқўрғондаги Нанай, Поғдаги Чодак қишлоқларида ҳам шундай имкониятлардан фойдаланса бўлади. Нуқсондаги Ашшиқул, Бухородаги Зикрийул, Жиззахда Айдаркул ва Тўзон қишлоқларида Ҳовордақидек чўмилиш зоналари ташкил этиш мумкин.

Президентимиз таъкидлагандек, "Ўзбекистон туризм магистралли" бўйлаб, 31 та туман ва шаҳар ҳудудидан ўтувчи йўллар бўйида автопутлар, кемпинг, автосервис, оқватларни, ёнлиги қўйиш каби хизматларни қамраб олган "Карвонсарой"лар барпо этиш, нур устига нур бўларди. Ахир туристларни, биринчи навбатда, хизматлар ва инфратузилмадан аҳоли қизиқтиради-ку!

Этиборлиси, "Ўзбекистон бўйлаб сайёҳат қил!" номи ички туризм дастури имкониятларидан фойдаланишга қаратилган. Бунинг учун Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, Наврўз, Мустақиллик куни ва Янги йил байрамлари даврида қўшимча дам олиш кунлари белгилади. Шунингдек, номавсумий саҳналарга ички туризм ойлуги, ҳафталиги ва кунлари ташкил этиш йўлга қўйилди. Жорий йилда Наврўз байрамини муносабати билан қўшимча дам олиш кунлари белгилангани, 250 та меҳмонхона ва музейда чегирма қўлланилгани, зиёрат объектлари бепул қилингани ички туризм ривожини учун катта туртки берди. Натихада Бухоро ва Самарқандга қўшимча 110 миң маҳаллий турист борган. Бундай ишлар фақат байрамлар арасида эмас, балки йил давомида олиб борилади, ички туристлар оқими янада ошиши, шубҳасиз.

Туризмни мамлакат иқтисодиётининг драйверига айлантириш учун чора-тадбирлар белгилини олинигани, соҳа тадбиркорларига имтиёзлар берилаётгани ҳам эртанги кунга бўлган ишонччи муштаҳам бўлади. Хусусан, 1 июндан бошлаб, туризм қишлоқларида меҳмон уйлари, оқватларни ва савдо шохобчалари, кўнгилчор жойлар ташкил этган тадбиркорлар уч йил давомида айланмадан олиндиған солиқ ва ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада, мол-мулк, ер, сув солиқларини ҳисобланган суммадан бор-йўғи 1 фоизини тўлаши белгилянпти. Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида, бундай қишлоқларда меҳмон уйлари очилга 50 миллион сўмгача, ўтов ва эко-уйлар мажму-



асига 300 миллион сўмгача, чодир-ли лагерлар қуришга 300 миллион сўмгача кредитлар берилаётгани, ҳар йили туризм қишлоқларидан 200 нафар ёш бюджет ҳисобидан Туризм техникумларида бепул ўқитилаётгани ҳам янги иш ўринлари яратилишига, соҳани салоҳиятли кадрлар билан тўлдирishi ишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, хорижий туристларга сайёҳатнинг барча босқичини ташкиллаштиришга қўмаклашувчи шартлар, мобил иловаларни ишга тушириш, туристларни жалб этиш ва сайёҳатларни мазмунли ўтказишда маданий тадбирлар муҳим ўрин тутаяди. Юртимизда 186 турдаги халқаро ва маҳаллий фестиваллар уюштирилади. Улар орқали қўшимча 1 миллион хорижий ва 5 миллион нафар ички туристларни жалб қилиш имконияти бор. Мутасаддиларга ушбу тадбирларни юқори савида ва ҳавфсиз ташкил этиш, бунун дунёга кенг тарғиб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Кейинги пайларда хориж матбуготида ҳақли равишда Ўзбекистон сайёҳат учун курашаётгани, ўрта асрларга оид кўк гўмбази шаҳарлар, ёйилма бозорлар, Буюк Ипак йўли жозибаси, қадимий Самарқанддаги архитектура намуналарининг ўзига ҳослиги, тарих, санъат, адабиёт, мусика, архитектура, бетакор ландшафтлар, ҳудуднинг ёввойи табиати туристларни ўзига қорлаётганини қайд этувчи мақолалар сони ошди. Бу мақолалар ҳам юртимизга хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтиришда етакчи роль ўйнапти.

Шубҳасиз, Ўзбекистон замани инсоният тамаддунига бекёб ҳисса қўнган буюк алломаларни улағайтирган. Уларда қадимдан дунё мамлакатлари билан савдо-сотиқ ишлари йўлга қўйилганини, ижтимоий соҳаларда ҳам кенг қўламада ҳамкорлик қилиниб, сайёҳлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз ва Шахрисабз каби шаҳарларга келганини тарих ислобтади. Жун, ип-газлама, тери, мева, хунарман-билан маҳсулотлари, сифатли қроғоз билан Европа бозори забт этилган. Эндилкида қишлоқ ҳўжалиги, ишлаб чиқариш, тўқимачилик санюати, туризм соҳасида ҳам дадил қадамлар ташланаётганини дунё эътироф қилмоқда.

Марказий Осиёдаги энг аҳолиси кўп мамлакат — Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев таъабуби билан сиёсий тизимни либераллаштириш, бозор иқтисодиётини барқарорлаштириш, минтақа ва халқаро майдонда интеграцияни мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўлами ислохотлар амалга оширилаётгани потенциал туристларни қизиқтириши табиий. Албатта, ташки сибсатдаги очкичлик, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув, халқаро майдонда ўз мактебини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ислохотлар натижасида мамлакатимизга келаётган сайёҳлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Аммо биз бу соҳада ҳали тўлиқ рақобатбардosh шитин яратолмадик. Шу сабабдан Президент қуночлик билан тизимда улкан ўзгариш ясашни қатъий билан кўп тартибга қўймоқда.

Шу ўринда халқаро тажрибага назар ташласак. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) маълум-

отларига кўра, туризм соҳасида энг юқори кўрсаткичга эга мамлакат Франциядир. Бу юрда ЮНЕСКОнинг 37 та Бутунжаҳон маданий мероси объекти мавжуд бўлиб, мамлакат ЯИМнинг қарийб 10 фоизи мана шу соҳа ҳиссасига тўри келади. АҚШга эса йилига 70 миллиондан ортиқ туристлар ташриф буюради ва санюатлашган шатларда ҳам сайёҳлик мамлакат бюджетига катта даромад келтирувчи соҳа ҳисобланади. Шунинг баробарида 2025 йилга бориб, давлат ушбу йўналишдан оладиган маблағни 2,5 триллион долларга етказишни режалаштирган. Испаниядан ҳам ўрганадиган жиҳатлар кўп. Мамлакатнинг 13 шаҳрида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси объекти мавжуд.

Франция, Житой, АҚШ, Малайзия, Туркия ва Испания сингари мамлакатлар тажрибасини ўрганиш юртимизда туризм соҳасини ривожлантиришда кўп келиши, шубҳасиз. Дарвоқе, Туркия билан ҳам сайёҳлик йўналишидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Чунюки, туризм Туркия иқтисодиётини муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳалардан бири ҳисобланади. Бу тармоқ сўнгги ўн йилликларда анча тараққий топиб, айни дамда салкам икки миллион кишини иш билан таъминлайди. Туркияда диққатга сазовор жойлар (қадимий грек, қадимий Рим шаҳарларининг вайронлари, Византия ва Усмонли халфликл ёдрорликлари) жуда кўп. Сайёҳлик санюати ўз олдида 2023 йилга бориб мамлакатга ҳар йили ўртача 50 миллион сайёҳ келишини таъминлаш йўлида иш олиб боришмоқда. Бу билан ҳазинага ўртача 50 миллиард АҚШ доллари тушиши таъминланади. Айни дамда сайёҳликни ривожлантириш йўлида 281 лойиҳа устида иш олиб боришмоқда. Туризм соҳасига тўсиқ бўладиган ҳар қандай қўриқларга қарши ҳукумат кескин чоралар қўриб келади. Бундан қўзғалган мақсад сайёҳлик бизнеси бўйича жаҳонда бешинчи ўринга чиқишдан иборат.

Мамлакатимизда туризм кун сайин ривож топиб бормоқда. Қадимий шаҳарларимиз, зиёратгоҳлар ва эски тепаликларда ҳали яна минглаб сирлар яширин. Ҳар қадамда буюк тарих мужассам.

Мутахассислар фикрича, сайёҳлик учун сарфланган маблағ ўн баробардан кўп фойда беради. Шу боис давлатимиз раҳбари ўз чизиқларида туризм Ўзбекистон иқтисодиёти учун лоқомтев соҳа экани, меҳмонхоналар қуриш, замонавий инфратузилма барпо этиш заруригини таъкидлаб, бу борада барча тўсиқлар бартараф этилаётганига ургур беради.

Юртимизда 7 миңдан зиёд тарихий обидалар рўйхатга олинган. Бинобарин, сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш имконияти кенг. Эндилкида сайёҳлар учун меҳмонхоналар, "меҳмон уйлари", хостеллар тизимини шакллантириш зарур.

Маълумотларга кўра, бугун мамлакатимизга, асосан, "babyboomer"лар, яъни пенсия ёшидан ошган туристлар келмоқда. Жаҳон тажрибаси эса уларнинг олижаноб эканини тасдиқлайди: гуруҳ-гуруҳ бўлиб дунё кезади, уларга жамоавий хизмат кўрсатилади, бу ҳам анча даромад тежалишига ёрдам беради. Лекин келгусида ўрта ёшлиларни ҳам кенг жалб этиш кўзда тутилган. Кеска авлод вақиллари, асосан, ўқиган ва эшитганларига таъниб, Ўзбекистонга келади. 30 — 45 ёшлилар эса интернетдан кўпроқ маълумот олади. Шунинг учун бу борада ҳам тарғибот ишларини кучайтириб, мамлакатимизга сайёҳлар оқимини кўпайтириш бўйича махсус механизм асосида ишлар олиб боришмоқда.

Яна бир долзарб масала. Туристларни жалб қилиш учун уларга янада қўлай шaroитлар яратиш зарур. Жумладан, инклюзив муҳит туризмни ривожлантиришда ёрдам беради. Зеро, сайёҳат қилиш учун ҳам вақти, ҳам маблағи бўлган кеска кишилар қўпична инклюзив, яъни ногиронлиги бор одамлар учун ҳам муҳит бўлишини истади. Қўлайлик ва шaroит бўлмаган тақдирда бундай сайёҳлар сони қисқаради. Шунинг учун туризмни ривожлантириш учун мамлакатларда ногиронлиги бор инсонларга кенг имкониятлар яратилган бўлиши шарт.

Контролёр ШАРИПОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 30 259 нусxada босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Депоихона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров. Мусахҳх — С. Исламов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.30 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6